Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ◆ 20 август 1968 йил, сешанба ◆ № 194 (14056). ◆ Баҳоси 2 тийин.

ҚИШЛОҚЛАРИМИЗ ОБОД БЎЛСИН

Бугунги совет қишлоғи манзараси, совет деҳқони психологиясида юз берган улкан ўзгаришлар, ўсиш ва улғайишларнинг аҳамиятини ўтмишни билган, шоир Махмур тасвирлаган Хапалак каби юзлаб хароба қишлоқларни ўз кўзи билан кўрган кишигина яхши ҳис қила олади. Лойдан ясалган пасттак, хароба кулбалар, эгри-бугри, лой кўчалар, тирикчилик қилишнинг энг оддий қулайликларидан маҳрум бўлган хат-саводсиз кишилар — ўзбек қишлоғининг революцияга қадар аҳволи шундай эди. Ўтган ярим аср, совет ҳокимиятининг ярим асри ичида эса бу қишлоқлардан асар ҳам қолмади. Бутунлай янги, социалистик асосда қайта қурилган обод, кўркам, бирибиридан файзли қишлоқлар қад кўтарди, юксак онгли, маданиятли қишлоқ кишиси камол топди. Эндиликда қишлоқларимиз замонавий техника билан қуролланган, фан ва техниканинг ҳамма ютуқларидан баҳраманд бўлган, индустрлашган коллектив хўжаликлар, совхозлар қучоғида барқ уриб ривожланяпти. Колхозчилар, совхоз ишчилари, барча қишлоқ зиёлиси онгида, дунёқарашида ҳам чуқур ўзгаришлар рўй берди, улар ўз гражданлик, ижтимоий бурчига сидқидилдан берилганлиги ҳар қадамда яққол сезилади.

Қишлоқ маданиятининг юксалиши, меҳнат шароитлари қулайлашгани туфайли дала меҳнаткашларининг иш унуми тобора ошиб, ташаббускорлик ва ижодкорлик қулоч ёзмоқда. Шуниси ибратлики, эндиги қишлоқ кишиси экинлар ҳосилдорлигини ошириш, ишлаб чиқариш топшириқларини бажариш учунгина эмас, балки қишлоқлар файзига файз қўшиш, уларда юксак турмуш маданиятига эришиш учун ҳам астойдил бел боғлаган. Бу соҳада меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советлари ҳам кенг жамоатчиликка таяниб катта тадбирларни амалга оширяптилар.

Меҳнаткашлар депутатлари Фарғона ва Наманган область маҳаллий Советлари сессиялари, ободонлаштириш бўйича доимий комиссиялари мажлисларида қишлоқ маданияти масалалари мунтазам равишда муҳокама этиб турилади, район ва қишлоқ Советларининг бу соҳадаги энг яхши ташаббуслари, тажрибалари ҳамма жойда кенг пропаганда қилиниб, илғорлар рағбатлантириб турилади. Айниқса Чуст районидаги Олмос қишлоқ Совети фаолияти диққатга сазовордир. Советнинг маданий-маиший ишлар бўйича доимий комиссияси қишлоқ қурилиши, аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш билан боғлиқ ишларни тезкорлик билан ҳал қилишда ташаббус кўрсатмоқда. Комиссиянинг чуқур ўйлаб, келажакни мўлжаллаб тузган тавсиялари шу ердаги хўжаликларга яхши наф беряпти. Олмос қишлоғи ободончиликда, турмуш маданиятини ривожлантиришда областда илғорлардан бири экан, бунда доимий комиссиянинг, қишлоқ депутатларининг ҳиссаси бебаҳодир. Республикамизда бундай обод қишлоқларнинг сон-саноғи йўқ. Масалан, Москва районидаги Ленинобод, Янгиариқ районидаги Сарапаён, Свердлов районидаги Сепата қишлоқ Советларининг депутатлари ҳам жонажон қишлоқлари жамолини очиш учун жон-дилдан хизмат қилишяпти.

Буларнинг ҳаммаси табиий бир ҳол. Чунки маҳаллий Советлар депутатларининг ҳозирги пайтда қишлоқ маданиятини юксалтиришдан муқаддасроқ, хайрлироқ иши йўқ десак хато бўлмас. Дарҳақиқат, колхоз ва совхозларда маданий-маиший хизматни яхшилаш, маданий оқартув объектлари, дала меҳнаткашлари учун уй-жойларни тезроқ қуриб ишга тушириш, умуман турмуш маданиятини ҳар томонлама юксалтириш кўп жиҳатдан маҳаллий Совет депутатлари, қишлоқ коммунистларининг ташаббускорлиги ва ишчанлигига боғлиқ. Бу муҳим соҳага оммавий тус бериш, кенг жамоатчилик эътиборини қишлоқ қурилиши масалаларига қаратиш керак.

Партиямиз Советларнинг коммунистик қурилишдаги ролини янада ошириш, уларни социал-маданий қурилиш ишларига кенгроқ жалб этиш учун тинмай ғамхўрлик қиляпти. Шу туфайли республикамиз қишлоқ ва посёлка Советларининг хўжаликка раҳбарлик қилиш, маданий қурилишдаги роли бениҳоя ошди. Уларнинг кундалик фаолияти колхозчилар ва совхоз ишчилари, қишлоқ зиёлиларининг ҳаётига, ташвишларига янада яқин бўлиб қолди. Маҳаллий Советлар зиммасида долзарб вазифалар кўп. Лекин улардан энг муҳими — қишлоқ маданияти ҳақида, меҳнаткашлар турмуш шароитларини яхшилаш тўғрисида ғамхўрлик қилишдир.

Лекин биздаги айрим маҳаллий Советлар ва депутатлар бу муҳим ишдан четда қолиб, халқ олдидаги ўз бурчларини унутиб қўяётирлар. Улар қишлоқда турмуш маданиятини ривожлантириш ҳақида катта-катта қарорлар чиқариш билан кифояланиб, бу қарорларнинг ижроси билан қизиқмайдилар, ўз ҳуқуқларини хўжалик раҳбарларига бериб қўядилар. Буни редакциямизга келаётган хатлар ҳам яққол кўрсатиб турибди. Андижон районидаги Пахтаобод қишлоқ Советига қарашли Мирпўстин қишлоғидан бир группа ёшлар қуйидагича ёзишади: «Қишлоғимизда маданий-маиший хизмат кўрсатадиган бирорта жой йўқ. Битта-ю-битта магазин бор эди, уни ҳам кўчириб кетишди. Натижада колхозчилар майда-чуйда рўзғор ташвишлари учун ҳам қимматли вақтларини сарфлаб шаҳарга боришга мажбур. Ёшлар кун бўйи меҳнат қилиб қайтгач, кечқурунлари маданий ҳордиқ чиқарадиган даргоҳ йўқ. Шу боисдан ҳам қишлоғимиздаги кўплаб йигит-қизлар шаҳарга кетиб қолишяпти. Лекин бу ҳақда қишлоқ Совети ижроия комитети (раиси ўртоқ Т. Ҳасанова) ҳам, Охунбобоев номли колхоз правлениеси (раиси ўртоқ Ф. Неъматжонов) ва партия ташкилоти ҳам қайғурмаётирлар». Бундан Пахтаобод қишлоқ Совети ижроия комитети, шу ердаги хўжалик раҳбарлари хабардор эмасмиканлар!

Қишлоқда маданий қурилишнинг йил сайин ривожланиб бориши маҳаллий Советлар зиммасига янада масъулиятли вазифаларни қўяди. Энг муҳими улар қурилиш программаларини бажаришни таъминлашлари ва узлуксиз назорат қилиб туришлари даркор. Бунда доимий комиссиялар, депутат постлари етакчи бўлиши лозим. Улар бу соҳада архитектура — планлаштириш органларига яқиндан ёрдам беришлари, қурилиш сифати учун жонкуярлик қилишлари айниқса муҳим. Айниқса, қишлоқда қурилаётган уй-жойлар, жамоат биноларининг маҳаллий шароитга мос бўлишини асло унутмаслик керак. Маҳаллий Советлар бу масалани эътибордан четда қолдирган жойларда ачинарли фактлар рўй беряпти. Чунончи, Каттақўрғон районидаги «Чимбойобод» колхозида қурилган 80 га яқин янги уй-жой бўм-бўш ётибди. Чунки бу бинолар сифати ниҳоят паст бўлиши билан бирга, қишлоқ шароитига, колхозчи оиласига мос келмайди. Шу райондаги «Октябрь» колхозида эса қанчадан-қанча маблағ сарфлаб қурилган муҳташам клуб бўш ётибди, чунки у қишлоқ марказидан четда қурилгани учун одамлар боришга ноқулай. Агар Каттақўрғон район Совети ижроия комитети, қишлоқ Советлари раҳбарлари колхозлардаги қурилишлар билан конкрет шуғулланганда катта-катта маблағлар беҳудага сарфланмаган бўларди.

Республикамиздаги кўплаб колхоз ва совхозлар энг яхши қурилган қишлоқ марказлари мукофоти учун «Сельская жизнь» газетаси бошлаган конкурсга актив қатнашаётирлар. Бу ибратли мусобақа қишлоқ маданияти, қишлоқ қурилишини янада ривожлантиришга катта ҳисса қўшиши турган гап.

Қишлоқларимиз жамоли, кўрки тағин ҳам яшнасин! Ҳар бир район, ҳар бир қишлоқда маданий қурилиш режалари бажарилиши маҳаллий Советлар ҳамма депутатларимизнинг жонкуярлиги, меҳрибонлиги, халқ хизматкори деган юксак номга муносиб меҳнат қилаётганининг исботи бўлсин.

Беш йиллик вахтасида

Тошкент шаҳрининг Муқимий кўчасида 106 квартирали янги уй-жой биноси тикланмоқда. Уни «Главташкентстрой»нинг 30-қурилиш бошқармаси коллективи барпо қиляпти. Суратда: ана шу объектни ҳам муддатидан илгари фойдаланишга топшириш учун бошланган мусобақада намуна кўрсатиб ишлаётган электр пайвандчи В. Савченко, дурадгор В. Ирисов ва ғишт терувчи С. Маннопов ўртоқлар.

И. Глауберзон фотоси.

Қарши чўлидан хат

ТОЛИМАРЖОН

Толимаржонга келиб биринчи учратган кишимиз посёлка Совети қошидаги кутубхонанинг ўқиш зали мудири Тамара Кумагалова бўлди. Тамара опа билан суҳбатлашиб ўтириб, унинг яқиндагина Душанба шаҳридан Қарши чўлини ўзлаштираётганлар посёлкасига ишга келганлигини билиб олдик. Яқинда посёлкада янги медпункт очиларкан. У шу медпунктда ишламоқчи. Ҳозирча чўлқуварлар кутубхонасида ишлаб турибди. Кутубхона мудири Евдокия Камева ўз ишлари, китобхонлар тўғрисида завқланиб гапириб берди. Кутубхона Қарши районидаги энг катта кутубхоналардан бўлиб, 22 мингдан зиёдроқ турли китоблар бор. Фақат посёлка кутубхонасининг ўзи ҳар бир толимаржонликни тўрттадан китоб билан таъминлайди. Ўқиш залида Алишер Навоий туғилганига 525 йил тўлиши муносабати билан кўргазма ташкил этилган. Чўлқуварлар шоирнинг ижоди ва ҳаёт йўли билан танишишлари мумкин. Навоийнинг ўлмас асарлари дид билан териб қўйилибди. Кутубхонага киргач ҳар бир киши Навоий тўғрисида, унинг замондошлари ҳақида тўла тасаввурга эга бўлади.

Толимаржонда «Каршистрой» бошқармасининг йигирмага яқин турли қурилиш ташкилотлари жойлашган. Илгари бу ерда бор-йўғи уч-тўрт бинодан иборат мўъжазгина темир йўл станцияси бор эди, холос. Тўрт йил ичида Толимаржон бекиёс даражада ўсди. Ўнлаб маданий-маиший бинолар, кўп қаватли уй-жойлар, болалар муассасалари қад кўтарди.

650 томошабинга мўлжалланган маданият саройи, 640 ўқувчи учун муҳташам мактаб, икки қаватли универсал магазин ва уч қаватли маъмурий бино қурилиши тугалланай деб қолди.

Толимаржондаги дастлабки қурилишнинг ғиштини терган Георгий Асланов, Исмоил Маллаев, Василий Кузовский каби оловқалблар ҳозирги кунларда ҳам чўлқуварлар посёлкасида матонат билан меҳнат қилмоқдалар. Уларнинг ғайрат ва шижоатлари туфайли кўплаб объектлар барпо этилди. Ҳар йили юзлаб автоскрейпер, бульдозер ва бошқа механизмларни ремонт қиладиган механизация базаси, автомашиналар сақланадиган техника парки, ёшлар кафеси, меҳмонхона, цемент базаси, электр тармоқлари станцияси, автомат-телефон, радиоузел чўлқуварлар хизматида. Посёлкага асос солган 3-қурилиш-монтаж бошқармасининг ишчи ва хизматчилари ўтган етти ойлик планни ортиғи билан адо этган эдилар. Беш йилликнинг учинчи йили охиригача улар 2800 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш, 11 минг квадрат метр ҳажмдаги уй-жойни фойдаланишга топшириш, Қарши чўлини оби-ҳаёт билан таъминлайдиган 4- ва 5-насос станцияларидаги қурилиш ишларини битказиш мажбуриятини олиб ишламоқдалар.

Толимаржонликлар биноларни чўл шамол ва тўзонини қайтарадиган қилиб қурмоқдалар. Шаҳарча чиройли бўляпти, кенг кўчалар, хиёбонлар барпо этилмоқда.

Толимаржон Қашқадарё областининг маркази — Қарши шаҳри билан келажакда 900 минг гектар қақраб ётган ерга ҳаёт берадиган Амударё ўртасида жойлашган. Яқин орада Толимаржоннинг шундоққина биқинида 800 миллион кубометр сув сиғадиган омбор қурилади. Ҳозир Амударё соҳилидан бошлаб то Қашқадарёгача узунлиги 137 километр келадиган улкан канал қазилмоқда. Каналнинг 6 та насос станциясидаги 18 насос секундига 70 кубометр сувни 135 метр баландликка кўтариб беради.

Ҳозир Амударёдан Толимаржонгача бўлган масофага қувурлар ёткизилиб, водопровод ўтказилди. Толимаржонликлар Амударё сувидан баҳраманд бўлдилар.

П. ГАДОЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ХОРАЗМДА БОЛАЛАР ШИФОХОНАЛАРИ

УРГАНЧ, 15 август. (ЎзТАГ). Ҳазораспда 75 ўринли район болалар касалхонаси очилди. Касалхонада лаборатория, сут ошхонаси ва бошқа бўлимлар бор. Шоботда 50 ўринли болалар касалхонаси ишга туширилди.

Яқин йилларда областдаги ҳар бир район ўзининг мустақил болалар касалхонасига эга бўлади. Бу вазифани ҳал қилишда колхозлар яқиндан ёрдам бермоқдалар. Масалан, Қўшкўпир районидаги «Тошкент», «Москва», «Ўзбекистон» колхозлари касалхоналардан бирини қуриш учун 300 минг сўмдан кўпроқ пул ажратдилар.

«ЛЕНИН КОМСОМОЛИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ»

Деган ном остида 16 августда СССР Революция марказий музейида катта кўчма виставка тайёрлана бошлади.

Бу виставканинг 40 га яқин катта тахта лавҳаларига Совет комсомолларининг ярим асрлик шонли йўли тўғрисида ҳикоя қилувчи фотографиялар ва ҳужжатлар ёпиштириб қўйилади.

Виставка экспозицияси Коммунистик партиянинг ёшлар тўғрисида ғамхўрлигини ёрқин кўрсатиб беради.

Виставка материаллари мамлакатимиздаги дастлабки ёшлар ташкилотлари тўғрисида ҳикоя қилади. Бу виставкада Е. М. Ярославский билан Г. И. Петровскийнинг «ёш социал демократ» тўгараги аъзолари ўртасида тушган фотосуратини кўриш мумкин. Бу фотосурат 1917 йилнинг февралида чоризм ағдариб ташланганидан кейинги дастлабки кунларда Якутскда олинган эди. Шу фотосурат ёнида РСДРП(б) VI съездида «ёшлар союзлари тўғрисида» қабул қилинган резолюция ҳам бор.

Виставкага қўйилган нодир фотоҳужжатлар, картиналарнинг репродукциялари, плакатлар ва бошқа материаллар совет ёшларининг Октябрь кунларидаги, граждан уруши ва Ватан уруши йилларидаги қаҳрамонона кураши билан таништиради. Экспонатларнинг кўпи совет ёшларининг меҳнатдаги шижоатларига, социализм ва коммунизм қурилишига катта-катта ҳиссалар қўшаётганлигига бағишланган.

Виставка ташкил қилиниб бўлгандан кейин, у мамлакат бўйлаб саёҳатга жўнайди.

(ТАСС мухбири).

ҚИРҒИЗИСТОН ХАЛҚ ЁЗУВЧИЛАРИ

ФРУНЗЕ, 17 август (КирТАГ). Қирғизистон Олий Совети Президиуми Чингиз Айтматовга, Қосимали Баялиновга, Қосимали Жонтўшевга ва Тугалбой Сидиқбековга «Қирғизистон ССР халқ ёзувчиси» Фахрий унвонни берди. Темирқул Уметалиевга «Қирғизистон ССР халқ шоири» унвони берилди. Уларнинг ҳаммаси тоғли ўлкадаги янги ҳаётни тараннум этувчи асарларнинг авторлари бўлиб, кенг машҳурдирлар.

КАСАБА СОЮЗЛАРИНИНГ ЧОРВОҚ СОҒЛОМЛАШТИРИШ ЗОНАСИГА ҚЎШАДИГАН ҲИССАЛАРИ

Ўзбекистон касаба союзлари советининг президиумида Чорвоқ сув омбори ва Чимгон районида меҳнаткашларнинг ҳордиқ чиқариш зонаси барпо этилишига касаба союзларни қўшадиган ҳиссалари қандай бўлиши аниқлаб берилди.

Касаба союзлар республика, фабрика-завод ва маҳаллий комитетлари советларига, шунингдек касаба союзлар область советларига хўжалик ташкилотлари билан биргалашиб дам олиш уйлари, пансионатлар, туристик базалар ва пионер лагерлари қурилишининг барча масалаларини ҳал қилишда актив қатнашиш вазифаси юклатилди. Бу зонада ёзда бир вақтда 50 мингга қадар киши дам олади. Касаба союзлар Тошкент область ижроия комитети билан биргаликда соғломлаштириш биноларини лойиҳалаш ва қуриш навбатини белгилайдилар, шу ишларнинг қандай бажарилаётганлигини, янги дам олиш зонаси барпо этишда корхоналар ва ташкилотларнинг иштирок этишини қаттиқ назорат қилиб турадилар.

Ўзбекистон касаба союзлари совети президиуми Чимгонда кўтарувчи осма йўлнинг биринчи навбатини, шунингдек Хўжакент станциясидан Чимгонга қадар осма пассажир йўли қурилиши лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилишини тезлаштириш чораларини кўрди. (ЎзТАГ).

ЗАР ҚАДРИГА ЗАРГАР ЕТАР

ССР ИТТИФОҚИ ВА ИТТИФОҚДОШ РЕСПУБЛИКАЛАР ЕР ҚОНУНЛАРИНИНГ АСОСЛАРИ ЛОЙИҲАСИНИ МУҲОКАМА ҚИЛАМИЗ

Хонада одамлар гавжум. Пахтакорлар, ғаллакорлар, сабзавоткорлар боғбонлар гурунги авжда. Улар гоҳ деворга осиб қўйилган колхоз ер фонди харитасига, гоҳ альбомларга кўз ташлайдилар. Пахта миқдорининг ортиши, сортининг яхшиланиши, пул даромадининг кўпайишига оид схема-диаграммаларни таҳлил қилиб мағзини чақишмоқда.

Чақирилган одамлар белгиланган вақтда келишди. Сирдарё район партия комитетининг биринчи секретари Муҳиддин Каримов йиғилишни очди.

Яқинда матбуотда ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикалар ер қонунларининг Асослари лойиҳаси эълон қилингани ҳаммангизга маълум — деди райком секретари, — лойиҳани меҳнат аҳли қизғин муҳокама қиляпти. Бугун сизлар билан шу ҳақда фикрлашиб олмоқчимиз, таклиф мулоҳазаларингизни эшитмоқчимиз.

Пахтачилик бригадасининг бошлиғи Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Тилов ака Маманов сўз олади.

— Бизни боқаётган, кийинтираётган, номимизни улуғлаётган, саноатимизни хом ашё билан таъминлаётган ердир, — деди у, — шундай бўлгач, ернинг қадрига етишимиз, ҳар қаричидан унумли фойдаланишимиз керак.

Ҳозир бригадамиз аъзолари деҳқончилик қилаётган ерлардан илгари 10-11 центнердан пахта олинар эди, эндиликда 38-40 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтариляпти. Сабаби шуки, қўша-қўша зовурлар чиқариб зах сувини қочирдик, шўрини йўқотдик. Колхозимиз бўйича ҳар йили ирригация-мелиорация ишларига 60-70 минг сўм маблағ сарфлаймиз. **Бошқа ён қўшни Охунбобоев номли, Ленин номли хўжаликларда ҳам сарф-харажат бундан кам бўлмайди. Шундай экан, бу соҳада капитал ишлар қилиш, хўжаликларда 15-20 йилга мўлжалланган ирригация-мелиорация иншоотлари қуриш, кустар типдаги сув иншоотларни тугатиш керак. «Голодностепстрой» хўжаликларида синовдан ўтган ва яхши самара бераётган ёпиқ зовурлар қуриш системасига кўчиш зарур. Ирригация-мелиорация тармоқларини капитал тарзда қуриш масаласи лойиҳада акс эттирилиши лозим.**

Колхознинг пахта майдони ҳар йили 140-150 гектар кенгайтириляпти.

— Лекин ҳали кўп иш қилишимиз керак, — деди сўзга чиққан механизатор Содиқ Худойқулов, — Сирдарё қирғоқларида ўзлаштирилмаган ер кўп, уни биз ишга солишимиз зарур. Пахта билан бир қаторда маккажўхорикорликни тараққий эттиришимиз лозим. **Менимча, лойиҳага хўжаликларнинг шароитини ҳисобга олган ҳолда қишлоқ хўжалик экинлари алмашлаб экишни мажбурий деб киритиш керак. Масалан, бизнинг шароитимизда пахта-беда-маккажўхори алмашлаб экиш схемасини ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш мумкин. Буни қасддан бажармаган кишига жарима солиш мақбул бўлар эди. Умуман, лойиҳада алмашлаб экишни кенг қўллаш ҳақида конкрет фикр айтилишини истардим.**

Йиғилиш қатнашчилари яна бир муҳим масалада фикр юритдилар. Янги йўллар чиқариляпти, кўприклар қуриляпти, электр симлари тортиляпти. Жамоат бинолари, якка тартибда уй-жой қуриш авж олдириляпти. Буни табриклаш керак. Аммо қурилиш-ободончиликни рўкач қилиб колхоз ерини эгаллаб олиш — талон-торож қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. **Ўзбошимчалик билан колхоз ерида қурилиш қилган ташкилот раҳбарлари, кишилар жавобгарликка тортилиши, қурилган иморатлар хўжалик ихтиёрига ўтказилиши лозим. Лойиҳага шундай деб ёзиб қўйиш зарур.**

— Энди масаланинг бошқа томонини олиб кўрайлик, — ўз мулоҳазасини айтди ишлаб чиқариш ветерани Исмат ака Очилов, — колхозчилар умумий мажлисининг қарори билан шаҳар ёки район маркази меҳнаткашларига бир қисм ер берилди. Бусиз ҳам илож йўқ. Эндиги вазифа ўша район маркази ёки шаҳар территорияси ҳисобига ўтиб кетган ернинг ўрнини қоплашдан иборат бўлмоғи лозим. Бунинг учун янги ер очиш керак. **Қайси ташкилот, корхона ёки муассаса колхоздан қурилиш ёки бошқа эҳтиёж учун қанча ер олган бўлса, бошқа жойдан шунча ер очиб берсин. Ундан кейинги агротехника тадбирларини колхозчи-деҳқонлар ўтказаверади. Лойиҳада шундай деб кўрсатилса, жуда яхши бўлур эди. Тўғри, ер олган ташкилот унинг балансдаги қимматини колхозга тўлайди. Лекин бу талабни қондирмайди. Яхшиси, ўрнига ўрин ер очиб берсин.**

Колхоз раиси, республикада хизмат кўрсатган пахтакор Жума Маманов жуда қимматли масалаларни кўтарди.

— Деҳқоннинг вазифаси тупроқ унумдорлигини муттасил ошириб боришдан иборат, — ўтирганларга мурожаат қилди раис, — бунинг учун нима чора-тадбир бўлса қўллаш лозим. Бироқ, айрим юқори ташкилотлар хўжаликларнинг ички ишига аралашиб ташаббусини бўғиб қўйяптилар. Масалан, шоли экилган ерларда шўр йўқолади. Тупроқнинг донадорлиги ортади. Турли зараркунандалар йўқолиб кетади. Ордан уч-тўрт йил ўтгач, ўша майдонга чигит экилса, пахтадан юқори ҳосил олинади. Афсуски, кўпинча бунга юқоридан рухсат бермайдилар. **Лойиҳага янги ўзлаштирилган шўр ерларга камида уч йил шоли экилсин, деган модда киритиш керак.**

Етиштирилган маҳсулотнинг сорти сифатини аниқлашда кўпгина қийинчиликлар бор. Масалан, пахтанинг сортини белгилашда завод билан колхоз ўртасида келишмовчилик пайдо бўляпти. Анализга олинган икки килограмм пахта орқали машинага ортилган уч тонна «оқ олтин»нинг сортини белгилаш мумкинми? **Шунинг учун ер қонунларининг Асослари қабул қилинаётганда шу ҳақда конкрет фикр айтилса яхши бўлур эди. Шундай тартиб ўрнатиш керакки, сорт ёки сифат ҳақида гап борганда давлат ҳам, хўжалик ҳам куймасин.**

Миришкор деҳқонлар ернинг ҳар қаричидан унумли фойдаланиб, кўп маҳсулот етиштиришяпти. Баъзи бригадаларда кутилган маҳсулот олинмаяпти. Ҳатто фойда ўрнига зарар кўраётган бригада ва звенолар бор. **Шундай экан, ҳамма имкониятлар б[illegible] ла [illegible] кутилган маҳсулотни бе[illegible] маган, давлат планини бажармаган звено ва бригада бошлиқлари, бўлим бошқарувчилари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарларига жарима солиб, зарарнинг ўрнини қоплаш керак. Бу фикр лойиҳада ўз аксини топади деган умиддамиз.**

Сўзга чиққан бошқа нотиқлар ер қонунларининг Асослари лойиҳаси ҳақида қимматли фикр ва мулоҳазалар айтишди.

М. НАЗА[illegible]
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Сирдарё районидаги «П[illegible] колхози.

Партия турмуши

СЕКРЕТАРЬ ЁРДАМЧИСИ

Коммунист Михаил Павлович Улуғ Ватан урушида актив қатнашиб, душман билан курашда мардлик ва матонат кўрсатганлардан. Унинг жанг майдонидаги жасорати партия ва ҳукуматимиз томонидан юксак тақдирланди. Бир қанча орден ва медаллар билан мукофотланди. Партия сафига ҳам шу оловли йилларда қабул қилинган.

Ватан уруши ғалаба билан тугагач, Михаил Павлович тўғри ота-онаси ёнига — Иштихон районига қайтди. Райкомнинг ҳисобот сектори мудири ҳужжатларини расмийлаштириш ва бирор бошланғич партия ташкилотига юбориш олдидан ёш коммунист ҳақида район партия комитетининг биринчи секретарига ахборот берди. Секретарь уни ўз ҳузурига таклиф этди.

Район партия комитетининг секретари Михаил Павлович билан анча суҳбатлашди, қандай вазифаларда ишлаганлигини билиб олди. Секретарь «Ўзимизга ёрдамчи секретарь қилиб олсак, майлими» — деб сўради ундан. У рози бўлди. Бу — 1946 йилнинг март ойи эди. Мана, йигирма икки йилдирки, Михаил Павлович Иштихон район партия комитетининг секретарь ёрдамчиси лавозимида узлуксиз хизмат қилиб келяпти.

Райком секретарининг ёрдамчиси масъулиятли вазифани бажаради. У, район партия комитетининг масъул ходими. Юқори партия органларидан юборилган энг муҳим ҳужжатлар, меҳнаткашлардан тушган ариза-шикоятлар аввало шу ходим орқали қабул қилиб олинади. Кейин тегишли кишилар иштирокида ҳал этилади. Шу билан бирга у район партия комитетининг молия-хўжалик ишларини бошқариб боради. Михаил Павлович Пальмин бу вазифаларни севиб бажаради.

Ўтган йили ва шу йилнинг ўтган ойлари ичида район партия комитетига тушган шикоят ва аризалар ўз вақтида кўрилган, талаб ва илтимослар қониқарли даражада, тўғри ҳал этилган. Бунда коммунист Михаил Павловичнинг ҳам камтарин хизмати бор.

— Район партия комитетига, — деди М. П. Пальмин, — ҳар куни ўнлаб киши турли-туман масалалар билан келиб кетади. Баъзи масала билан келган кишиларнинг ишини ўзим ҳал қилиб юбораман. Айримларини ёзиб олиб, район партия комитетининг секретарлари ва бўлим мудирларига етказаман. Иш қилиб, ўша кишининг талабини тўла қондиришга ҳаракат қиламан.

Қарийб чорак асрдан бери бир райкомда, бир вазифада ишлаётган Михаил Павлович Пальмин ўз бурчини ҳалоллик билан адо этиб район партия комитетининг аппаратидагина эмас, бутун район активлари, колхоз раислари, бошланғич партия ташкилоти секретарлари орасида катта обрў қозонган, зўр ишонч ортдирган. У ибратли ва аъло интизомли коммунист. Районда ҳамма уни ҳурмат қилади, «Михаил ака» деб аташади.

Самарқанд область, Иштихон район партия комитети секретарининг ёрдамчиси Михаил Павлович Пальминнинг иш фаолияти ҳақида яна бир қанча ижобий фикрлар айтиш мумкин. Ўртоқ М. П. Пальминнинг ҳалол хизматлари бир неча марта юксак мукофотлар билан тақдирланди. У, 1957 йилда «Меҳнатда ўрнак кўрсатгани учун» медали билан мукофотланди. Михаил Павлович Пальмин 58 ёшга кирган бўлса-да, ёшлардек ғайрат билан ишлаб, чарчаш нима эканлигини билмайди.

Л. ЭРГАШЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ЛЕНИН КОМСОМОЛИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

МОСКВАДАН—ПРАГАГАЧА

Исоқжон 1933 йилда Ленин комсомоли сафига кирди. Партиямиз сиёсатини оммага етказишда фаол қатнашди. Колхоз тузумини мустаҳкамлаш учун курашда жон куйдириб ҳамқишлоқларига намуна бўлди. Дардоқликлар унинг Улуғ Ватан уруши фронтларида кўрсатган мардликларини фахр билан тилга олишади.

Исоқжон Дадажонов уруш бошланган йилиёқ ихтиёрий равишда армия сафига бориб, жанговар хизматни ўтай бошлайди. 1941 йил. Қаҳратон қиш. Она-Ватанимиз ва унинг пойтахти Москва хавф остида. Дадажонов—офицерлар тайёрлаш мактабининг курсанти.

Аммо, ўқишни тамомлаш Дадажоновга насиб қилмади. Мактабдаги ҳамма курсантлар ариза билан қўмондонликка мурожаат этиб, Москва мудофаасига юборишни илтимос қилишди. Уларнинг талаби қондирилди.

Ноябрь ойида фашист галалари Москвани олиш учун қаттиқ ҳужумга ўтдилар. Исоқжон Москванинг ғарбий қисмида мудофаада турган алоҳида ҳаво десант бригадасида жанг қилди. У, жасурлиги, ҳушёрлиги билан танилди.

Жангчиларимиз Москва остоналарида фашист қўшинларини яксон қилиб, ўзлари қарши ҳужумга ўтдилар.

1942 йил бошларида жанг оловларида тобланган Дадажоновни коммунистлар ўз сафларига қабул қилишди. Бу юксак ишонч ўзбек фарзандини янгидан-янги ғалабаларга руҳлантириб юборди.

Исоқжон Дадажонов Ғарбий, Калинин, I ва IV Украина фронтлари составида хизмат қилиб, Москва остоналаридан Прагагача бўлган йўлни мардонавор босиб ўтди.

Лейтенант Дадажонов командирлигидаги 7-ўқчи рота жангчилари 1945 йил апрель ойида Чехословакиянинг Рудервальд қишлоғи учун олиб борилган жангларда мислсиз мардлик кўрсатдилар. Фашистлар ана шу қишлоқни қайта эгаллаш учун уч марта қаттиқ ҳаракат қилди Улар сон жиҳатидан қанчалик кўп бўлмасин, бари бир заобага учради. Шу жангда душманнинг 50 солдати қириб ташланди ва бир нечтаси асир олинди.

Ўзбек йигити бошчилигидаги рота жангчилари 1945 йил 1 май куни Одер дарёсидан биринчилар қатори кечиб ўтдилар. Улар шиддатли ҳужум жангларини кенгайтира бориб, фашистларнинг мудофаасини ёриб ўтдилар. Шиддатли тус олган қўл жангида босқинчилар 60 га яқин солдат ва офицеридан, жуда кўп қурол-яроқларидан ажралди. Дадажоновнинг ўзи эса 7 фашистни ер тишлатди.

Кўплар қатори ҳамқишлоғимиз Исоқжон Дадажоновнинг ҳам Ватан олдидаги хизматлари муносиб тақдирланди. У ўз қишлоғига 2 та «Қизил юлдуз», биринчи ва иккинчи даражали «Улуғ Ватан уруши» ордени ва бир қанча медаллар билан қайтди.

Исоқжон ака 1947—1949 йилларда собиқ Ойим район комсомол комитетининг иккинчи секретари вазифасида ишлади. 1949—1951 йиллар Тошкент партия мактабида таҳсил олди. 1952—1954 йилларда Гурлан район партия комитетида бўлим мудири бўлиб хизмат қилди. Ҳозир пенсионер бўлишига қарамай, Андижондаги 47-мактабда ёшларга билим ва таълим бермоқда.

И. ПЎЛАТОВ,
Т. МИРЗАЕВ,
Андижон райони.

МАҲАЛЛИЙ СОВЕТЛАР ИШ ТАЖРИБАСИДАН

СЎЗДА ВА АМАЛДА

КПСС XXIII съездининг хўжалик ва социал-маданий қурилиш соҳасида қўйган вазифаларини бажаришда меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларининг роли катта. Буни Каттақўрғон районидаги Ингичка посёлка Совети мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Учта ўрта мактаб, битта етти йиллик музика мактаби, 300 ўринли маданият саройи, бешта кутубхона, касалхона, туғруқхона, тўртта сартарошхона, 3 та ҳаммом, 3 та маиший комбинат, 25 та савдо дўконлари ва кенг экранли кинотеатр кончиларга хизмат кўрсатмоқда. Бу ерда барча хонадонлар радиолашган. Ильич нурлари билан чароғон посёлкани газлаштириш ҳам жадал суръатлар билан олиб борилмоқда. Кейинги икки йил ичида 700 хонадон газлаштирилди.

Бу ишларни амалга оширишда қишлоқ Совети, унинг атрофига уюшган доимий комиссиялар ва депутатларнинг ҳиссаси катта.

Посёлка Советида аввало ташкилий ишлар яхши йўлга қўйилган. Совет сессиялари ва ижроком мажлислари ўз вақтида мунтазам бўлиб туради. Уларда муҳим ҳаётий масалалар муҳокама қилинади.

Посёлка Советида ҳаммаси 9 та доимий комиссия ташкил этилган бўлиб, улар атрофига 67 депутат уюшган. Соғлиқни сақлаш (раиси Мария Кожанова), халқ маорифи (раиси Ғулом Муродов), социал таъминот (раиси Фекрит Сулаймонов), ободончилик ва коммунал хўжалик (раиси Жавод Абдураҳмонов), ва маданий-оқартув (раиси Парда Рустамов) доимий комиссияларининг фаолияти диққатга сазовор.

Маҳаллий Советларга бўлиб ўтган сўнгги сайловлар вақтида депутатликка номзоди кўрсатилганлар билан сайловчилар учрашганларида посёлкани ободонлаштириш, капитал қурилишни кенгайтириш ҳақида гап борган эди. Шунинг учун ҳам ободончилик ва коммунал хўжалик доимий комиссиясининг аъзолари ўз диққат эътиборларини сайловчилар наказларини амалга оширишга қаратдилар. Кейинги йил ичида посёлкада 160 ўринли болалар боғчаси, 12 ишчи ўринга эга бўлган икки қаватли янги универмаг, сут, китоб дўкони ва мороженое тайёрлайдиган цех бинолари қурилиб фойдаланишга топширилди. Ҳозир механизациялашган янги шахта, бойитиш фабрикаси ва шахтёрлар чойхонаси қурилиши ишлари тезкорлик билан олиб борилаётир. Бу ишларни амалга оширишда доимий комиссия аъзоларидан С. Дубровский, Б. Раҳимов, М. Ҳусанов С. Геворгянц, Т. Гудзикеевич, А. Некрасов ўртоқлар зўр ташаббус ва жонбозлик кўрсатмоқдалар.

Мактаб ва маориф доимий комиссияси ҳам ибратли ишларни амалга оширмоқда. Комиссия аъзоларининг ташаббуси билан бу ерда 1300 ўқувчига мўлжалланган тўрт қаватли мактаб биноси қад кўтармоқда. 260 бола дам оладиган пионерлар лагерини ремонт қилиш ишларига ҳам улар бош-қош бўлдилар.

Совет депутатлари ҳамма соҳада фаол иш олиб бормоқдалар. Улар сайловчилар наказларини амалга оширишда ҳам жонбозлик қилмоқдалар. Сайловчилар наказлари асосида шахтёрлар бозори қайта қурилди. Самарқанд—Ингичка маршрути бўйлаб автобус қатнови йўлга қўйилди. Депутатлар меҳнатда ҳам бошқаларга намуна бўлмоқдалар. Жавод Абдураҳмонов, Жаббор Ҳасанов, Райхона Ишмотьева, Абдалим Ғозиев, Раббим Қаршиев ва бошқалар ана шулар жумласидандир. Улар ойлик ва смена топшириқларини 130—135 фоизга етказиб бажармоқдалар.

Ҳеч шубҳа йўқки, доимий комиссиялар, депутатлар ташаббускорлигига таянган Ингичка посёлка Совети бундан буён ҳам меҳнаткашлар ўртасида оммавий-ташкилий ишларни янада жонлантириб, доҳиймиз В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигини зўр меҳнат совғалари билан кутиб олиш ишига муносиб ҳисса қўшади.

М. ҚОБУЛОВ.



Суратда: Оҳангарондаги пластмассадан бинокорлик материаллари ва буюмлари ишлаб чиқариш комбинатининг илғор ишчилари Галина Ҳуснитдинова ва Ҳалима Эргашева ўртоқлар. Улар республикамизда қурилиш индустриясининг юксалишига баракали ҳисса қўшишга бел боғлаганлар.

И. Глауберзон фотоси

БОЛГАРИЯГА ЭЛЕКТР ТОКИ БЕРИЛМОҚДА

ЛЬВОВ, 17 август (РАТАУ мухбири). Бугун тонг саҳарда «Львовэнерго» навбатчи диспетчери Г. И. Кузьмин системадаги электр станцияларга агрегатларнинг нагрузкасини кўпайтириш тўғрисида команда берди. Электр энергияси Болгарияга берила бошлаганлиги туфайли нагрузка кўпайтирилди. Энергия экспорти ойига йигирма беш миллион киловатт-соатни ташкил этади.

Республиканинг ғарбий областларидаги электр станцияларини бирлаштириб турган «Львовэнерго», «Мир» халқаро энергия системаси бўғинларидан бири бўлиб, қардош социалистик мамлакатлар энергетика корхоналари билан бирга ягона ҳалқада ишлайди.

ТОҒЛАР ҚАНДАЙ ЎСАДИ?

Илмий ҳақиқат, тахмин ва гипотезалар

«Текширилаётган районда яқин вақтлар ичида кучли зилзила бўлиши мумкин». Бу сўзларни мен В. И Уломов билан Т. К. Каржаув биргаликда ёзган илмий мақоладан олдим. Мақола «Ўзбек геология журнали»нинг 1966 йил 3- сонида босилган бўлиб, орадан сал ўтмай Тошкент зилзиласи рўй берди.

Юқоридаги хулосага келиш учун нима асос бўлган эди? Жавобни ҳам мақоланинг ўзидан топамиз. Қизилқум чўлларида ер юзаси ёрила бошлаган эди. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Сейсмология институти директорининг ўринбосари Валентин Уломовнинг фикрича, Қизилқум территориясидаги ер қобиғининг ҳаракати жуда катта районни, шу жумладан Тошкентни ҳам ўз ичига олиши эҳтимол. Лекин Тошкент зилзиласидан сўнг ҳам у ерларда ёриқлар ҳосил бўлиш жараёни тўхтамади. У чўлнинг янги районларига ҳам ўтди. Натижада 1968 йилнинг 14 мартида яна кучли зилзила содир бўлди. Унинг маркази Тошкентнинг шимоли-ғарбий томонида бўлиб, шаҳардан 330 километр узоқликдаги аҳоли яшамайдиган жойда эди. Зилзиланинг кучи 7-8 баллни ташкил этди. Ўзбекистон пойтахти аҳолиси ҳам бу силкинишни сезди. Тошкентда ер тўрт балл куч билан қимирлади.

Мақолада айтиб ўтилган ер ёриқлари қандай эди? Яна мақола авторларининг ўзига сўз берамиз: «1965 йилнинг ёз ойларида Марказий Қизилқумнинг Томдибулоқ посёлкаси яқинида ернинг ёрилиш жараёни тезлаша бошлаганини кузатдик. Соч толасидан тортиб, 3-4 сантиметргача бўлган ёриқлар посёлканинг шимолий қисмини кесиб ўтиб, узунлиги бир ярим-икки километргача борарди. Ора-сира ёриқлар узилиб турарди. Ана шу ёриқлар ҳозир ҳам тинмай кенгаймоқда: посёлкадаги тағи цемент уйларнинг бирида сал-палгина ёриқ бўлгани ҳолда, ярим йил давомида бу ёриқлар кенглиги 3,5-4 сантиметрга етган.

Ана шу линияда жойлашган пахса деворли уйлар ҳам вертикаль йўналиш бўйича қўл сиғадиган даражада ёрилиб кетган. Ўша ерда яшовчи кишиларнинг айтишича, баъзи уйлар қирсиллаб-қирсиллаб, охири қулаган, баъзи уйлар эса шундай ҳолга келганки, уларда яшайдиганлар кўчиб кетишган».

Томдибулоқнинг мўйсафидлари илгари ҳам бу жойларда ернинг ёрилиш ҳодисаси содир бўлганини яхши эслайдилар. Мақола авторларидан бири ўртоқ Каржаув ҳам бир пайтлари Томдибулоқда яшаган бўлиб, у 1929 йилда кўп жойда ёриқлар пайдо бўлганини ҳали-ҳали хотирлар экан. Худди ўша йили сейсмологлар чўлда 8-9 балл куч билан ер қимирлаганини қайд қилганлар. Қизиғи шундаки, 1929 ва 1968 йиллардаги зилзила марказлари бир жойда.

Қизилқумдаги дастлабки ер силкинишлари 1880 — 1885 йилларга тўғри келади. Кексаларнинг фикрича, ўша пайтда Томдибулоқнинг шимоли-шарқий қисмида ёғингарчилик ниҳоятда кучайиб, улкан кўл ҳосил бўлган. Лекин кўлнинг «умри» қисқа бўлиб, бир неча кундан кейин ер тагига сингиб кетган. Кўлнинг тагида эса катта-катта, чуқур ёриқлар қолган, холос. Тўғри, ўша пайтда зилзила бўлганми-бўлмаганлигини ҳеч ким эслолмайди, у пайтда Ўрта Осиёда сейсмология хизмати ҳам йўлга қўйилмаган эди.

Валентин Уломов Қизилқумда рўй берган зилзилаларни ер ёриқлари пайдо бўлиши активлиги шкаласига солиштириб кўриб, бу ҳодисалар маълум вақтдан сўнг такрорланса керак, деган хулосага келди. Ер устидаги ёриқлар ва ер остидаги зилзила бу районда ҳар 35-40 йилдан сўнг яна қайтарилади. Кўтарилиш жараёнидан кейин тинч давр бошланади ва ёриқларнинг ҳаммаси қум билан тўлиб кетади.

Табиатнинг мана шу ғаройиб ҳодисасини ўрганиш учун Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Сейсмология институтида махсус экспедиция тузилди. Экспедиция аъзоларидан — институтнинг илмий ходимлари Жўра Ёқубов ва Рашод Иброҳимовлар менга тектоник кучлар таъсирида иккига ажралиб кетган уйларнинг фотосуратларини кўрсатишди. Бу тадқиқотчилар чўл устидан вертолётда учиб, ёриқлар пайдо бўлиш жараёнини бевосита ўргандилар, Қизилқумнинг кўпгина районларидаги ер юзасининг қандайлигини аниқладилар. Охири экспедиция шундай хулосага келдики, биринчидан, чўлдаги ёриқлар зонаси 200 километргача чўзилган бўлиб, иккинчидан, бу жараённинг асосий сабаби — ер қобиғининг ҳозир ҳам тектоник ҳаракат қилаётганлигидадир. Бу зонага Томдибулоқдан ташқари, яна бошқа аҳоли яшайдиган жой — «Ўзбекистон ССР 40 йиллиги» совхозининг маркази ҳам қўшилар экан. Совхоз Томдидан ғарброқда, 150 километр узоқликда жойлашган. Бу ерда ҳам ёрилиш натижасида бир неча уйлар ишдан чиққан. Шунинг учун ҳам олимлар совхозининг марказини чўлнинг бошқа районига кўчиришни маслаҳат беришди.

— Қизилқум ерларининг сирти ҳозир давом этаётган тектоник жараёнлар натижасида гармонга ўхшаб буралиб боряпти, — дейди Рашод Иброҳимов. — Баъзи жойда ер юзаси чўкади, жарлик ҳосил бўлади, баъзи жойлар эса аксинча — кўтарилиб, кичик тоғлар ўсиб чиқяпти. Уларнинг сезиларли даражада ўсиши учун яна бир қанча миллион йиллар керак бўлади. Планетамизнинг геологик ривожланиш қонунияти ана шундайдир. Ер юзасининг ёрилиши ва зилзилалар — тоғ ҳосил бўлиш жараёнидан келиб чиқадиган ҳодисалардир. Тошкентда рўй берган табиий офатнинг сабаби ҳам худди ана шу.

Рашод Иброҳимов харитага яқин келиб:

— Мана, қаранг, — деб бармоғи билан кўрсата бошлайди, — пойтахтимизнинг шимолидан бошланган Коржантов тоғ тизмаси Қизилқум томон чўзилиб боради, шаҳарнинг жанубида эса унга параллель ҳолда Чотқол тизмаси ястаниб турибди. Эҳтимол, бир неча миллион йиллардан сўнг бу тоғ тизмалари ғарб томонида бирлашиб, Тошкент эса тўрт томондан айлана тоғлар билан ўралиб қолар. Эҳтимол, бундай бўлмас.

— Ер қобиғининг ривожланиш қонуниятларига таяниб туриб, ер тагида тўпланадиган ва бўшаладиган энергиянинг характери ҳақида бирон нарса дейиш мумкинми?

— Бу йўлда уринишлар бўляпти, — дейди Рашод Иброҳимов. Кейин Фарғона водийсида қайд қилинган зилзилалар жадвалини қўлига олади. Жадвал бир-бирига кесишган тўғри чизиқлар билан тўлатилган. Чизиқлар кесишган жойларга эса вақт белгилари қўйилган. Булар — илгари ўтган зилзилалар ҳақидаги статистик маълумотлар бўлиши билан бирга... келгуси зилзилаларнинг ҳам вақтини белгилайди.

Тадқиқотчи бутун водийни 5 зонага бўлади. Уларнинг ҳар бири ўзига хос геологик хусусиятларга эга. Статистика маълумотларига кўра, кучли зилзилалар ҳар бир зонада ҳар 40 йилда бир такрорланган. Мана шу вақтнинг ўзи ер бағрида сиқиқ энергия тўпланиш даврини ташкил этади.

Рашод Иброҳимов Фарғона водийси бўйича жадвалда кўрсатилган статистик маълумотларни шарҳлашга ўтади. Қизиғи шундаки, зилзила бўлган ва зилзила бўлмаган ўн йилликлар бир хилда қайтарилади. Масалан, Фарғона водийсида 1880 — 1890 йилларда зилзилалар жуда кўп бўлгани ҳолда, кейинги ўн йиллик тинч-осойишта ўтган. Янги асрнинг биринчи ўн йиллигида яна табиий офатлар қутуриб, кейинги ўн йилликда яна тинчиган. 20-30 йиллар орасида яна кучли зилзилалар қайд қилинган. Шундан кейин яна тинч давр бошланган ва ҳоказо. Мана энди ҳозирги ўн йилликни олиб кўрайлик. Худди ўша воқеа. Шуниси қизиқки, кейинги икки кучли зилзила (1966 ва 1967 йиллардаги) Иброҳимовнинг жадвалида ҳам олдиндан қайд қилинган экан. Лекин у «1965 йил» деб кўрсатилган экан.

— Демак, тахминингиз тўғри чиқибди-да? — деб сўрайман геофизикдан.

— Шунақага ўхшайди, — дейди у кулиб.

«1970 — 1980» рақамлари жадвалда навбатдаги ўн йилликларга киритилган. Иброҳимовнинг тахмини бўйича бу ўн йилликда Фарғона водийсида кучли зилзилалар бўлмаслиги керак. Албатта, бу жадвални аниқ, бошдан-охир исботланган қўлланма дейиш ҳам мумкин эмас. Лекин шундай бўлишига қарамай, у қаерда, қачон ва қандай куч билан зилзила содир бўлиши ҳақида ҳар қалай маълумот беради. Бунинг устига, олимнинг фикрича, жадвалда белгиланган вақт нари борса 2-3 йилга фарқ қилиши мумкин, холос. Ҳозирча мана шунинг ўзи ҳам катта ютуқ эмасми?!

Ҳозирги пайтда тоғ ҳосил бўлиш жараёни фақат ер қобиғининг ёрилиши ва узилиши билангина белгиланмай, балки бошқа усуллар ёрдамида ҳам аниқланяпти. Баъзи мамлакатларда ер ёрилган жойларда аниқ геодезик кузатишлар олиб бориляпти. Совет ҳамда кўпгина бошқа мамлакат олимларининг фикрича, ер юзаси нишаблигининг ўзгарилишини сезиш ҳам зилзилачи олдиндан билиш имкониятини туғдиради. Масалан, Япониядаги зилзилалар вақтида ер юзасининг анча тезлик билан ҳатто бир метргача чўккани ёки кўтарилганлиги аниқланган! Шунинг учун ҳам мана шу белгини ўз вақтида билиб олиш мақсадида Ўзбекистон сейсмологлари Тошкент шаҳри ва унга яқин жойларда 7 та нишабликни ўлчайдиган станция яратмоқдалар. Уларнинг биринчиси Тошкент сейсмик обсерваториясида шу йилнинг бошида ишга туширилди. Станция Ватанимизда ишланган аъло даражали ускуналар билан жиҳозланган. Уларнинг аниқ ва пухта ишлашини қуйидаги мисолдан ҳам билсак бўлади. Ускунани 20 километр узунликдаги темир тўсинга ўрнатдик, деб фараз қилайлик. Агар биз ана шу темир тўсиннинг бир учи тагига бор-йўғи бир миллиметр қалинликдаги михни қистирсак ҳам ускуна буни дарров «сезади».

Нишабликни ўлчайдиган бу ажойиб ускуналар, кетма-кет қайтарилиб турадиган аниқ геодезик текширишлар ва ер қобиғи ҳаракатини кузатувчи яна бошқа усуллар — бизнинг хушёр соқчиларимиздир. Улар Тошкент остидаги ер қобиғи ривожланишини ўрганишда олимларимизнинг энг яқин ёрдамчилари бўлиб қолди.

А. ЕРШОВ,
инженер.

ФИДОКОРЛАР

Колхоз идораси ҳам, қишлоқ маркази ҳам сув сепгандай жимжит. Катта йўлнинг чап томонига ўтдик. Кўз илғамас кенг пахтазор. Кимдир пайкал оралаб ҳар ер-ҳар ерда кўзга ташланиб турган бегона ўтларни таг-томири билан юлиб оларди. Ўша ерга бордик.

— Ҳорманг отахон!

— Бор бўлинг, — деди-ю, юлиб қўйилган бир даста шумғияни қўлтиқлаб бизга яқинлашди идора қоровули.

— Идорада ҳеч ким йўқ-ку?

—Ҳамма далада. Раис Шарофатнинг бригадасида. Партком Бозорбойнинг даласида бўлса керак.

Дарвоқе, ҳозир деҳқон ҳам, раҳбар ҳам пахтазорда. Ҳамма мўл ҳосил ишқида меҳнат қилмоқда. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Шарофат Баракаева бошлиқ бригаданинг дала шийпонига бораверишда икки дала соҳиби суҳбатининг гувоҳи бўлдик. Уларнинг бири сувчи, иккинчиси механизатор эди. Механизатор экинга «шарбат» суви тараётган Раҳим отага луқма ташлади.

— Картанинг бурчагини [illegible]вга бостириб юборибсиз, [illegible]ингизни қабул қилмайман.

— Гапинг тўғри бўтам, сув [illegible] оз кўпайиб шошириб қўй[illegible]да мени, — ота кетмонини елкасига ташлаб этакка томон юрди.

Механизатор З. Раҳматов эгатлардаги сувни камайтиришда Раҳим отага ёрдамлашди.

«САМАРҚАНД»ЛИКЛАР ИЗИДАН

Эгатлардан тўлиб-тошиб оқаётган сув тартибга солинди.

— Энди бўлдими?

— Нима ҳам дердик, — эгатларга энгашиб жавоб қилди Раҳматов.

Бухоро область, Қоракўл районидаги «Октябрь» колхозида сувчи билан механизатор қўлни-қўлга бериб меҳнат қиляпти.

Дала шийпонида бизни Шарофат опа кутиб олди. Ҳаммаёқ саранжом-саришта. Бригада коллективи Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг «Август ойида ғўза парвариши бўйича олимлар ва тажрибакорларнинг маслаҳатлари ҳамда «Самарқанд» совхози механизаторларининг мурожаати тўғрисида»ги қарорига жавобан, ҳосилга ҳосил қўшиш тадбирларини кўришяпти. Ҳозир бригаданинг ҳар туп ғўзасида 12-14 тадан бўлиқ кўсак ҳосил қилинган. Гул ва шоналар ҳадсиз-ҳисобсиз. Шунинг учун ҳам бригада аъзолари ўз мажбуриятларини қайта кўриб чиқиб, ҳар гектар ердан аввал ваъда қилинганидек 45 центнер эмас, балки 50 центнердан «оқ олтин» етиштиришга сўз бердилар.

—Колхозимизда ҳар гектар майдондан 45-50 центнердан пахта етиштириш учун курашаётган бригадалар кўп.—деди колхоз раиси М. Шарипов.

— Айтайлик, Эшон Ниёзов, Фозил Шаропов ўртоқлар бошлиқ бригадаларнинг пахтакорлари ўтган йили ҳар гектар майдондан 32-35 центнердан «оқ олтин» топширган бўлсалар, бу йил 40-45 центнерни мўлжаллашяпти. Мақсадимиз — мавжуд ҳосил тугунчаларини тўла сақлаб қолиш ва уларни ҳам тўқ кўсакларга айлантиришдан иборат. Шу мақсадда август ойини зарбдор ой деб эълон қилдик.

Хўжалик далаларида ҳозир 30 дан ортиқ чопиқ трактори, 1200 га яқин колхозчи, шу жумладан 200 га яқин сувчи, ўнлаб механизаторлар қўлни-қўлга бериб икки сменада меҳнат қиляпти. Колхоз пахтакорларининг бу йилги марраси катта. Улар 1500 гектар ернинг ҳар гектаридан қабул қилинган мажбуриятдаги 35 центнер ўрнига 40 центнердан пахта ҳосили кўтаришмоқчи.

Хўжалик механизаторлари бу йил ялпи ҳосилнинг 80 процентини «зангори кема»лар бункеридан тўкишни мўлжаллашмоқда.

Колхоз правленнеси ва партия ташкилоти ғўза парваришини сира бўшаштирмаган ҳолда, пахта йиғим-теримига тайёргарлик билан боғлиқ бўлган ишларни ҳам қизитиб юбордилар. Икки километр узунликдаги ички йўлларга шағал ётқизилди. 10 та кўприкнинг ремонти давом этяпти. Хирмонлар, тош-тарозилар созлаб қўйилмоқда. Колхоз пахтакорлари беш йилликнинг учинчи йилида ўз зиммаларига олган юксак мажбуриятларини шараф билан бажариб, доҳиймиз В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигини муносиб кутиб олишга интилмоқдалар.

Т. НАЗИРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ЎРТОҚ А. Н. ШЕЛЕПИН ЛЕНИН ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАНДИ

[illegible]мунистик партия ва Совет [illegible]и олдидаги катта хизматлари [illegible]а туғилган кунига 50 йил тўлиши муносабати билан СССР Олий Президиуми КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ВЦСПС раиси ўртоқ Александр Николаевич Шелепинни Ленин ордени билан мукофотлади.

(ТАСС).

ПАХТАНИНГ ОЙДИН ЙЎЛИ

ОХУНБОБОЕВ РАЙОНИДАГИ КАРЛ МАРКС НОМЛИ КОЛХОЗ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ ВА ПРАВЛЕНИЕСИНИНГ ПАХТАЧИЛИКНИ КОМПЛЕКС МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ТАЖРИБАСИДАН

● МАШИНА — ЖОН РОҲАТИ, ЯЛПИ ҲОСИЛНИНГ 95 ПРОЦЕНТИ БУНКЕРЛАРДАН ТЎКИЛАДИ.

● ҲАР БИР КОЛХОЗЧИ ҲИСОБИГА ТЎҚҚИЗ ТОННАДАН ПАХТА ЕТИШТИРИЛАДИ.

● МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИ ОБЛАСТНИНГ БОШҚА ХЎЖАЛИКЛАРИДАГИДАН УЧ БАРАВАР ЮҚОРИ.

● ХЎЖАЛИК — ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА ПАХТАЧИЛИКНИ КОМПЛЕКС МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ БАЙРОҚДОРИ.

● ҲОСИЛДОРЛИК ЎТГАН САККИЗ ЙИЛДА ИККИ БАРАВАР ОРТДИ.

● МЕХАНИЗАТОРЛАР ЕТТИ СОАТЛИК ИШ КУНИГА ЎТАДИЛАР, МАШИНАЛАРНИНГ КУНИГА 14 СОАТДАН ИККИ СМЕНА ДАВОМИДА БЕТЎХТОВ ИШЛАШИ ТАЪМИН ЭТИЛАДИ.

● ШУ ТАРИҚА 38 ТЕРИМ АГРЕГАТИ БИЛАН ПЛАНДАГИ ПАХТА 25 ИШ КУНИДА ТЕРИБ ОЛИНАДИ. ТЕРИМ МАВСУМИ ИККИ БАРАВАР ҚИСҚАРАДИ.

● КОЛХОЗ КОММУНИСТЛАРИ ТЕРИМ ТАҚДИРИНИ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ДАРҒАЛАРДИР.

Француз журналисти Жон Марабани бу колхоз чўлқуварлари ҳақида — «Худонинг қўлидан келмаган ишнинг уддасидан чиқибсизлар, офарин!» деб ёзиб қолдирганича бор. Охунбобоев районидаги Карл Маркс номли колхоз коммунистларининг ҳайратга соладиган ажойиб ишлари жуда кўп. Марказий Фарғонанинг даштида бу хўжалик ташкил топганига эндигина тўққиз йил бўляпти. Лекин қўлга киритилган ютуқлар аҚл бовар қилмайдиган даражада улкан.

Саккиз йилда минг гектардан ортиқ ер чўлдан тортиб олиниб, қишлоқ хўжалик оборотига киритилди. Ҳозир ҳар бир колхозчи ҳисобига уч гектардан пахта майдони тўғри келади. Етиштирилаётган ҳосил эса киши бошига 8 тоннадан тушмоқда. Ҳосилдорлик ўтган қисқа вақт ичида икки баравар кўтарилган.

Колхоз пахтачиликни комплекс механизациялаш йўлидан бориб ўтган йили ялпи ҳосилнинг 95 процентини машиналар билан териб олишга муваффақ бўлди.

Эндиликда колхозчи ҳар иш кунига 7 сўм атрофида ҳақ оляпти, бошқача айтганда, бу — саккиз йил аввалгидан 3,5 баравар ортиқдир. Уларнинг ўртача ойлиги 126 сўмни ташкил этяпти. Бугина эмас, колхоз хўжаликларнинг умумий даромадларини кўтаришга ҳам катта маблағ сарф ламоқда. Эндиликда колхозчилар учун электр энергияси, газ, сув, радио, ҳаммомдан фойдаланиш бепул қилиб қўйилган, квартира ҳақи тўлаш бекор қилинган, уй-жойларнинг енгил ва капитал ремонти текинга қилиб берилади. Колхозчиларнинг ўғил-қизлари боғча-яслиларда, мактабларда иссиқ овқат ва кийим кечак билан бепул таъминланади.

Энг муҳими, колхоз коммунистлари саккиз йилда пахтачиликдаги барча оғир ишларни машиналар елкасига тўла юклай олдилар. Ерни экишга тайёрлаш, чигит ташлашдан тортиб, уни парвариш қилиш, етиштирилган ҳосилни йиғиб-териб олишгача бўлган ишларнинг ҳаммасини машиналар бажаради. Карл Маркс номли колхозда пахта чиликни комплекс механизациялаш икки даврга бўлиб амалга оширилди. Дастлабки уч йилда ер ўзлаштириб уни экишга тайёрлаш, чигит экиш ва ғўза парваришини тўла механизациялаш йўлидан борилди. Бунга тўла муваффақ бўлинганда кейингина, 1963 йилдан теримни машиналаштиришга зўр берила бошланди. Биринчи йили ялпи ҳосилнинг бешдан бир қисми бункерлардан тўкилди. Кейинги йили эса, пахтанинг учдан бир қисмидан кўпроғини машиналар териб олди. Уч йилдан бери эса, ҳосилнинг 84-95 проценти фақат машиналар билан терилмоқда.

Утган йили колхоз тарихида биринчи марта теримда яна бир янги технология жорий этилди. Ҳар бир пайкалдаги пахта роса очилтириб, машиналар билан фақат икки марта териб олинди. Биринчи теримда 15 центнер атрофида, иккинчи теримда 10 центнердан пахта йиғиштириб олинди. Кейин кўрак терадиган машиналар ишга солинди. Уларнинг кетидан эса подборщиклар қўйилди. Шу тарика, бутун ҳосилни йиғиштириб олиш машина-механизмлар елкасига юкланди. Фақат эгат бошидаги пахталаргина қўлда териб олинди, холос.

Бу муваффақиятларнинг сири нимада? Аввало колхоз партия ташкилоти ва правлениеси пахтачиликни комплекс механизациялашга астойдил киришиб, уни пахтачиликни ривожлантиришнинг ойдин йўли деб билмоқда. Иккинчидан, бу колхозда малакали механизатор кадрлар етишмаслиги проблемасига аллақачон барҳам берилган. Кейинги уч-тўрт йилнинг ўзида, 150 дан ортиқ колхозчи Ёзёвондаги механизация мактабини ва бошқа курсларни тамомлаб келди. Ҳозирги кунда тракторчи, механик ҳайдовчи ва шоферлар колхозда 200 кишидан ошади.

Учинчидан, моддий манфаатдорлик, рағбатлантириш тўғри йўлга қўйилган. Юқорида айтиб ўтгандик, бу ерда колхозчилар ҳар бир иш кунига 7 сўмдан ҳак олишмоқда. Механизаторларнинг йиллик даромадлари 2,5-3 минг сўмни ташкил этмоқда.

Колхозда пахтачиликни комплекс механизациялашда партия ташкилотининг жуда катта ташаббускорлик роли бор. Унинг иштирокисиз ҳал қилинадиган бирор муҳим масаланинг ўзи йўқ. Ҳар ўн коммунистдан саккизтаси бевосита ишлаб чиқаришда қатнашмоқда, шулардан 53 таси бригада бошликлари ва механизатор бўлиб ишлаётир. Ана шулар бутун коллективни пахтанинг ойдин йўлидан бошлаб боришмоқда.

Яқинда Карл Маркс номли колхоз партия ташкилотининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Бунда теримга тайёргарлик ва теримни машиналар ёрдамида ташкил этиш юзасидан қилинадиган ишлар гаплашиб олинди.

Ялпи хосилнинг 95 процентини машиналарда териб олиб, планни 25 иш кунида бажариш учун конкрет нималар қилиш кераклиги ҳақида баҳс юритилди. Биз ушбу саҳифада шу йиғилишда бўлган гапларни эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Кун тартибида: терим тақдири

Август охирлаб бормоқда. Терим тақдирини ўйлайдиган айни пайтлар келди. Ҳозирдан бу масъулиятли мавсумга пухта ҳозирлик кўрган деҳқон ютади, хирмони баракали ва баланд бўлади. Яхши ташкил қилинган терим бир йиллик меҳнатга якун ясайди. Деҳқоннинг юзини ёруғ қиладиган ҳам, шувит қиладиган ҳам терим.

Карл Маркс номли колхоз партия ташкилотининг яқинда бўлиб ўтган кенгайтирилган йиғилиши шу жиҳатдан диққатга сазовор бўлди. Йиғилиш кун тартибига терим тақдири, уни қандай ташкил этиш масаласи қўйилди. Кенгайтирилган йиғилишни колхоз партия ташкилотининг секретари А. Аҳмаджонов очди. Кейин ғўзанинг ҳозирги аҳволи ва теримга тайёргарликнинг бориши ҳақида ахборот учун раис Ҳ. Марозиқовга сўз берилди.

Колхоз раиси Ҳ. Марозиқовнинг ахбороти

Ҳозир пахтанинг аҳволи анча яхши. Сувдан қолган, вилт тушган пайкал йўқ. Ғўзанинг бултургидан бир оз эртагилиги бор. Ҳар тупдаги ўртача кўсак 10 таданга тўғри келяпти. Кўчат ҳам бултургидан гектар бошига 15 минг тупдан ортиқ, ҳар гектарда ўртача 98 минг тупдан кўчат сақлаб қолишга эришдик. Пайкаллар ҳозиргача ўтдан ҳоли эди, энди яна бош кўтара бошлабди. Уни пешма-пеш олиб ташламасак, теримда унумни ҳам, сифатни ҳам қочиради.

Ғўзанинг баргини тўктириш учун ишлатиладиган дорилар келтирила бошланди. Ҳозиргача ярми ташиб қўйилди. Терим машиналарининг ремонти бундан ҳам тезлаштирилиши керак. Шу кунгача 38 терим агрегатидан 25 таси ремонтдан чиқарилган. Пахта ташийдиган 40 та прицеп ва бошқа транспорт воситалари ишга тайёр ҳолга келтирилган. Буни кўпайтириш керак бўлади, терим вақтида етишмай қолади. Хирмон ҳақида гапириб ўтирмайман, чунки бизда хирмон йўқ, биз пахта конвейер усулда пунктга ташиб олинишига зўр беришимиз керак. Ҳозир ким қайси машинада пахта териши маълум, устахонамизда механизаторлар ўз машиналарининг ремонти тепасида туриб қабул қилишяпти. Керак бўлса, ёрдам беришяпти. Лекин қайси прицепчилар ажратилмабди, ким қайси механизаторнинг пахтасини пешма-пеш ташиб кетиши маълум эмас. Яна бир нарса—ҳали парваришни тўхтатишга эрта. Сув бўлса етарли, енгил культивация учун тракторлар ҳам керагича бор. Лекин айрим деҳқонларимиз энди пахта ўзи бўлаверади, деган кайфиятда пахтанинг ичига қарамай қўйишибди. Йўқ, пахтанинг жони бор, уни ёлғиз ташлаб кетиб бўлмайди. Ўтини юлиб бўлса ҳам оралаб юриш, бағрига шамол теккизиш керак.

Биз бугунги йиғилишда мавсумда ялпи ҳосилнинг 95 процентини машиналар билан териб олиш учун теримни қандай ташкил қилиш ҳақида гаплашиб олиб, шу асосда конкрет тадбирлар белгилаб чиқишимиз керак бўлади.

Бош бухгалтер С. Баширов сўзи

Менда бир таклиф бор эди. Шуни ўртага ташламоқчиман.

Шу терим мавсумидан машинада терилган пахтанинг нархи яна ортади. Агар хўжалик пландаги пахтанинг 50 процентини териб оладиган бўлса, 10 процент миқдоридаги пахтанинг ҳар тоннаси нархига қўшимча 40 сўмдан пул қўшиб берилади. Машинада терилган пахта 50 процентдан ҳам юқори бўлса, унда ҳар тоннасига 80 сўмдан қўшиб берилади. Мен ҳисоб-китоб қилиб кўрдим. Агар биз бу йил ҳам ялпи ҳосилнинг 95 процентини машиналар билан териб оладиган бўлсак, янги имтиёз ҳисобидан 126 минг 660 сўм қўшимча даромад кўрарканмиз. Шунда бу йил пахтачиликдан оладиган даромадимиз салкам 1,5 миллион сўмга бориб қолади.

Бу 126.660 сўм соф фойдага келиб қўшиладиган маблағдир. Шу ҳисобдан биз қурилишларга, маданий-маиший хизматга, бепул иссиқ овқат ташкил қилишга, илғор механизаторларни мукофотлашга маблағ ажратишимиз мумкин. Бир сўз билан айтганда, колхозчиларимизнинг умумий даромадлари шу ҳисобдан яна ошади.

Шунинг учун ҳам биз механизаторларни, бутун колхозчиларни бу имтиёздан хабардор қилишимиз, яхшилаб тушунтиришимиз, уларни теримни оқилона ташкил этишга сафарбар этишимиз ниҳоятда муҳим деб ўйлайман. Токи, ҳар бир колхозчи, ҳар бир механизатор пахта иложи борича, кўпроқ машинада териб олинишини ўйласин, бунинг учун жонбозлик кўрсатсин.

Партком аъзоси, колхоз инженери Каримжон Ҳакимовнинг мулоҳазалари

Август охирига қадар қолган ҳамма терим машиналари ремонтдан чиқиб, синовдан ўтади. Бунга ҳеч шак-шубҳа йўқ. Биз фақат ниҳоятда сифатли ремонтдан чиқишига катта эътибор берямиз, терим даврида аввалги йиллардагидек машиналар бузилиб қолиб, ишнинг белига тепишига йўл қўймаймиз. Машиналарни ўзимизнинг устахонамизда ремонт қилаётганимиз яхши бўлди. Эҳтиёт қисмлардан 40 процентга қадар тежаб қоляпмиз. Машиналарни механизаторларнинг ўзлари қабул қилиб олишяпти. Уларнинг унумли ишлашига, мавсумда камида 90 тоннадан пахта теріб беришига имонимиз комил.

Энди теримни ташкил этиш масаласига келганда, менда битта таклиф бор. **Машиналарни икки сменада ишлатиш ҳақида ҳар йили гап бўлади. Лекин мавсумда атиги бир неча кунгина икки смена ли иш ташкил этилади. Шунда ҳам ўнга яқин машина бир-икки соатдан ишлаб қўяди, холос.** Биз иккинчи смена деганда негадир машиналарнинг фақат кечаси ойдинда ёки чироқ ёқиб ишлашини тушунамиз. Менимча, бу тўғри эмас. Теримда қатъий 7 соатлик икки смена бўлишига эришиш кер-к.

Машинада пахта териш енгил иш эмас. Буни ҳаммамиз ҳам биламиз. Бир механизатор тўхтовсиз ишлаганда 6-7 соатгина унумли ишлаши мумкин.

Бир механизаторнинг машинани қоронғу тушгунга қадар 10-12 соат ишлатиши жуда оғир. 7 соатдан кейин ишнинг унуми ҳам бўлмайди. Буни инкор этишнинг ҳожати йўқ. Шунинг учун ҳам биз терим суръатини кўтариш ва машинанинг меҳнат унумини ошириш учун қатъий етти соатлик иш сменасига кўчишимиз керак. Машинани бир механизатор эрта билан соат 10 дан то кеч 4 га қадар ишлатсин, шериги эса 5 дан 12 га қадар бошқарсин. Ўртадаги бир соат ичида эса машинани техник қаровдан ўтказиш мумкин.

Мен ҳисоб-китоб қилиб кўрдим. Бу тадбир бизга ҳар бир машина билан кунига ўртача 5-6 тоннадан пахта териб олиш имконини беради. Шунда ҳар куни бункерлардан 180-200 тоннадан пахта тўкиб, планни 20-22 иш кунида бажариб қўйиш мумкин. 7 соатлик икки сменали иш ташкил қилиш—бу бизнинг жуда катта ички имкониятимиз деб ҳисоблайман.

ОХУНБОБОЕВ районидаги Карл Маркс номли колхоз партия комитети аъзолари партия ташкилотининг пахта йиғим-терими кампаниясидаги вазифаларини муҳокама қилмоқдалар. Суратда (чапдан ўнгга) колхоз раиси Ҳ. Марозиқов, колхозчи И. Ҳожиматова, механик-ҳайдовчи Ҳ. Ҳусаинов, партия комитетининг секретари А. Аҳмаджонов ва колхоз бош бухгалтери С. Баширов ўртоқлар.

Механизатор Ҳамроали Ҳусаинов сўзи

Жуда яхши гап бўлди. Бир киши машинани 10-12 соат бошқариши жуда оғир. Машинанинг умри бекорга ўтмаслиги керак. Мен Каримжоннинг таклифига тамомила қўшиламан. Буни бошқа ҳамкасбларим ҳам албатта қўллаб-қувватлашади, деб ўйлайман.

Энди мен ўтган йилги теримни ташкил қилишдаги баъзи камчиликлар ҳақида гапирмоқчи эдим. Терим даврида машиналар бир текис ишлаши учун пахтанинг охирги культивацияси вақтида чуқур эгат олиб кетиш жуда яхши шароит яратиб бераётган эди. Буни биз кўпдан бери қилиб келяпмиз-у, лекин ҳамма бригадаларда шундай бўлмаяпти. Бизда қўлда териладиган пахта бўлмагандан кейин ҳамма майдонларда чуқур эгат олиб кетиш керак-да, ахир! Бир пайкалда роҳат қилиб ишлайсан, бошқасида чуқур эгат олинмагани учун жон азобида ғез чарчаб қоласан, киши. Бу тадбирларни ҳамма бригадалар учун мажбурий қилиб қўйиш керак.

Яна бир камчилик шуки, бултур дефолиацияни тебеқалаштириб ўтказиш жиндек бузилгани оркасида тегишли майдонларда ғўза барги тўкилмай, машиналар бир неча кун бекор туриб қолди. Бу йил шуни ҳисоб-га олиш керак.

Ундан кейин: бултур пахтани пешма-пеш даладан пунктга ташиб кетиш ҳам унча яхши ташкил этилмади. Баъзан прицеп етишмай, вақтни қизғаниб, бункердаги пахтани ерга тўкишга мажбур бўлиб қолдик. Оқибатда бир иш икки бўлди. Бункер—прицеп—пункт конвейери узилмаслиги керак. Бунинг учун бу йил пахта ташийдиган транспортларни бироз кўпайтириш керакмикан. Токи, бункерга пахта тўлганда уни бўшатишга прицеп тайёр турсин. Менинг эътирозларим шулардан иборат.

Партия ташкилотининг секретари А. Аҳмаджоновнинг якунловчи сўзи

Коммунистлар—терим тақдирини ҳал қилишда катта куч. Улар ҳар вақтдагидек бу йил ҳам теримни намунали ташкил қила оладилар. 53 коммунист бригада бошлиқлари ва механизатор бўлиб ишлаётганининг ўзи катта гап. Биз уларга таяниб иш кўришимиз керак.

Эсингиздами, бундан 6 йил муқаддам, икки бригадир Собир Нурматов билан Курбон Тўхтасинов машина теримига қарши чиқишган эди. Коммунистлар, партком аъзолари уларга қанча тушунтиришмади. Аввалига «хўп» деб, кейин яна унашмади. Охири колхозчиларнинг ўзлари бу антимеханизаторларни рақбарликдан четлатишни талаб қилиб чиқишди. Партком тавсияси билан ҳар иккала бригадага коммунист-механизаторлар бригадирликка қўйилди. Бундан ютқазди-ким? Йўқ, аксинча, катта фойда кўраётирмиз.

Ташаббускор коммунистлар нималарга қодир эмас! Буни бултур Ҳамроали Ҳусаинов яна бир карра исботламадими! У 1966 йилда планни колхозда энг кейин бажарган қолоқ 6-бригадага ўтган эди. Ўзи меҳнатда намуна кўрсатиб ишлаб, бригада коммунистларига бош бўлиб, ишни тўғри ташкил этиб, бир йилда ҳосилдорликни беш центнер кўтаришга муваффақ бўлмадими! Коммунист Собиржон Жўраевчи? У оғир участкага, янги ўзлаштирилган ердаги 11-бригадага механизатор бўлиб боргани ёмон бўлдими! Ҳосилдорлик бу бригадада икки йилда 6 центнер кўтарилгани жуда қувончли воқеа.

Мен буларни эслатишимга сабаб—бизда ташаббускор коммунистлар кўп, агар улар аҳд қилишса, ҳар қандай ишга қодирлар, демоқчиман.

Биз теримни оқилона ташкил қилишда Аббос Неъматов, Собиржон Қўзибоев, Турғун Отахонов сингари ишбилармон, уддабуррон бригадирларга, Деҳқонбой Мамараҳимов, Муҳаммад Маткаримов каби ташаббускор бригада партия ташкилотлари секретарларига таяниб иш кўришимиз лозим.

Шунинг учун менда теримни ташкил қилиш тадбирларини бирграликда ишлаб чиқиш шу ўртоқларга топширилса деган таклиф бор.



КАРЛ МАРКС номли колхоз трактор паркида. Суратда (чапдан ўнгга): колхоз инженери Карим Ҳакимов, гараж мудири Мамажон Алломов, механик-ҳайдовчи Шокир Эркабоев ва бригада механиги Уктам Йўлдошевлар пахта териш машинасининг шпинделини кўздан кечирмоқдалар.
Ғ. Қосимов фотолари.

Охунбобоев район Карл Маркс номли колхоз партия комитетининг кенгайтирилган йиғилиши ҚАРОРИ

1968 йил 13 август куни Карл Маркс номли колхоз партия комитети ва правлениесининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда правлениенинг ҳамма аъзолари ва партком аъзолари иштирок этдилар. Колхоз партия ташкилотининг секретари А. Аҳмаджонов раислик қилди:

Кун тартибидаги кўриладиган масала:—«Терим тақдири ва пахтани машинада теришни оқилона ташкил қилишда коммунистларнинг ўрни ва ташаббускорлиги ҳақида» бўлди. Колхоз раиси Ҳ. Марозиқов ғўзанинг ҳозирги аҳволи ва теримга тайёргарликнинг боришн ҳақида ахборот берди.

Кўрилган масала юзасидан партком ва правленке аъзоларидан бош бухгалтер С. Баширов, инженер К. Ҳакимов, механизатор Ҳ. Ҳусаинов ва колхоз партия ташкилотининг секретари А. Аҳмаджонов ўртоқлар сўз олиб, ўз таклифмулоҳазаларини билдирдилар.

Колхоз партия комитетининг йиғилиши қарор қилади:

1. Ҳамма майдонлардаги пахтани машинабоп қилиб ўстириш, бегона ўтдан тозалаш, ғўза парваришини сентябрга қадар давом эттириш масъулияти колхоз бош агрономи ўртоқ А. Алимовга юклансин.

2. Терим агрегатларини сифатли ремонтдан чиқариб, 1 сентябрга қадар теримга тахт қилиб, созлаб қўйиш вазифаси колхоз инженери ўртоқ К. Ҳакимовга юклатилсин.

3. Терим даврида агрегатларнинг иш унумини ошириш мақсадида механизаторларнинг икки сменали (7 соатдан) қатъий иш кунини жорий этиш механик ўртоқ У. Йўлдошевга топширилсин.

4. Пландаги пахтани терим агрегатлари билан 25 иш кунида териб олиш таъминлансин.

5. Машиналар терган пахтани хирмонга ёки уватга тўкмасдан, прицеплар ёрдамида конвейер усулида пунктга ташиб кетишини ташкил этишга раҳбарлик қилиш диспетчер ўртоқ У. Каримовга топширилсин.

6. Пахта ҳосили 50-60 процент очилгандан кейингина терим машиналарини ишга солиб, фақат икки теримда асосий ҳосилни йиғиштириб олиб, қолганини кўрак терувчи машина ва подборщиклар билан йиғиштириб, шу тарика ҳосилнинг 95 процентини бункерлардан тўкишга эришиш бригада партия ташкилотларига топширилсин.

7. Теримни ташкил қилиш тадбирларини бирграликда ишлаб чиқиш бригада бошлиқлари ва бригада партия ташкилотлари секретарларига юклатилсин».

* * *

Карл Маркс номли колхоз партия ташкилоти ва правлениесининг пахтачиликни комплекс механизациялаш, теримни ташкил этишда тўплаган тажрибаси диққатга сазовордир. Уларнинг тажрибаси жуда кўп хўжаликлар учун кўл келиши мумкин. Чунки, бу колхоз коммунистлари пахтачиликни юксалтиришнинг ойдин йўлига тушиб олишган.

М. МАНСУРОВ,
«Совет Ўзбекистони»нинг Фарғона область муҳбири.

ДОННИ КЎПАЙТИРАМИЗ

Совхозимизга лалмикор ерларнинг катта майдони бириктириб қўйилган. Биз ана шу майдонларда дон етиштириш билан бир қаторда, чорвачилик билан ҳам шуғулланамиз.

Кейинги йилларда дон хўжалиги анча илгарилаб кетди. Бунинг боиси шундаки, дон етиштириш агротехникасида тубдан ўзгариш юз берди. Илгарилари кузда экилган бугдой ва арпа парвариш қилинмасди. Эндиликда ғаллачиликка бўлган муносабат бутунлай ўзгарди. Аввало, ер сифатли тайёрланмоқда, дон қулай агротехника муддатларида экиляпти, ғалла яхши парвариш қилиняпти.

Пахтачиликдаги каби ғаллачиликда ҳам ерни барвақт ва сифатли ҳайдаш ҳосилдорликни оширишда муҳим роль ўйнайди. Шу туфайли кузги дон экиладиган майдонлар ёзда ҳосилдан бўшаши биланоқ чуқур шудгор қилиняпти.

Деҳқонларимиз лалмикор ерларда фақат бугдой ва арпагина эмас, балки кўп миқдорда беда, кунгабоқар ва маккажўхори ҳам ўстиришяпти. Бу тадбир дон етиштиришни кўпайтириш билан бир қаторда, ернинг унумдорлигини ошириш ва тупроқнинг структурасини яхшилаш имконини ҳам беряпти.

Бу йил 17.200 гектар майдонда деҳқончилик қилдик. Шуни айтиш керакки, кузги дон ёзда шудгор қилинган ерларга экилган эди. Сентябрь ва октябрь ойларида сифатли қилиб сепилган уруғ хатосиз униб чиқди. 10750 гектар майдондаги кузги ғалла эрта баҳорда бороналанди. Талай майдондаги экин бегона ўтлардан тозаланди. 2580 гектар ердаги кузги бугдой ва арпа минерал ўғит билан озиқлантирилди.

Баҳорги дон ҳам ўз вақтида экилиб ва уруғ тўла кўкартириб олинди. Совхоз бўйича ҳар квадрат метр жойда ўрта ҳисобда 240-275 туп ўсимлик бўлишига эришилди, тўла гектарлар ҳосил қилинди.

Ғаллакорларимиз етиштирилган мўл ҳосилни ўриб-йиғиб олишга пухта тайёргарлик билан киришдилар. Мавжуд 51 та комбайн барвақт сифатли ремонт қилинди. 13 та янги комбайн сотиб олинди. Комбайнлар уч группага ажратилиб, ўрим-йиғим конвейер усулида ташкил этилди. Комбайнчилар ва шоферларнинг деярли ҳаммаси ғалла ўриш ва дон ташиш кунлик нормасини ошириб бажардилар. Совхоз партия, комсомол ва касаба союз ташкилотлари оммавий-сиёсий ишлар ва социалистик мусобақани авж олдирдилар. Ҳар беш кунлик ишнинг натижаси якунлаб борилди. Мусобақа илғорлари мукофотлаб турилди. Илғорларнинг меҳнати юксак тақдирланди. З. Хуснитдинов, О. Ҳусанов, Б. Ашуров, Қ. Болиев, А. Холиқовга ўхшаш комбайнчилар мавсум топшириғини 2,5-3 баравар ошириб бажардилар. Совхоз барча ғалла ҳосилини 27 иш кунида, Амирқул Каримов бошқараётган бўлим эса 5933 гектар ердаги ғалланн 23 иш кунида ўриб-йиғиб олди.

Бу йил ҳосил жуда мўл бўлганлиги туфайли давлатга икки план миқдорида, яъни 475 минг пуд дон етказиб бердик. Натижада ғаллачиликдан катта даромад қилдик, кўп миқдорда соф фойда олдик. Бундан ташқари 2230 тонна уруғлик ва чорва моллар учун 3000 тонна ем ҳозирлаб қўйдик. Тайёрланган бугдой ва арпа сомонининг ўзи чорва молларимизни бир ярим йил давомида боқишга етади.

Ҳозир беш йилликнинг тўртинчи йилида дон етиштиришни янада кўпайтириш тадбирларини белгиладик 1969 йилда лалмикорликдаги кенг майдонлар билан бир қаторда, 300 гектар сувли ерда ҳам дон етиштирамиз.

Ҳозир далада комбайнларнинг ўрнини ҳайдов тракторлар эгаллади. Биз август ва сентябрь ойларида барча ғалла майдонини ҳайдаш, камида 30 процент донни кузда экишни планлаштирганмиз.

И. БУЗИКОВ,
Пастдарғом районидаги «Улуғ» совхозининг директори.

Планетамизда

ВЕНГРИЯДА КОНСТИТУЦИЯ КУНИ

БУДАПЕШТ. (ТАСС). 20 августда Венгрия халқи ўзининг катта байрами—Конституция кунини нишонлайди. Мамлакатда шу муносабат билан ўтказилаётган йиғилишларда партия ва ҳукумат раҳбарлари, кўзга кўринган сиёсий арбоблар ва жамоат арбоблари сўзга чиқмоқдалар.

Конституция куни Венгрия қишлоқларида кенг нишонланади.

ШВЕЦИЯ САЙЛОВ АРАФАСИДА

СТОКГОЛЬМ, 19 август. (ТАСС). Швецияда Рексдагнинг (парламентнинг) иккинчи палатасига 15 сентябрда ўтказиладиган сайловга тайёргарлик кампанияси бошланди. Мамлакатдаги бешта энг катта сиёсий партия—социал демократ партия, халқ партияси, ўнг партия, марказ партияси ва сўл партия бўлган коммунистлар сайлов олди кампаниясига қўшилди. Стокгольмдаги ва мамлакатнинг бошқа шаҳарлари ҳамда қишлоқларидаги уйларнинг деворларида, майдонларида, чорраҳаларда ва кўприкларда аҳолиси у ёки бу сиёсий платформа учун овоз беришга даъват қилувчи сайлов олди плакатлари пайдо бўлди.

Бир неча йилдан кейин биринчи палата тугатилади. Ана шунда иккинчи палатадаги овозларнинг кўпчилиги ҳукуматни тузиш, шунингдек энг муҳим қонунларни қабул қилишда ҳам партиялар учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиб қолади. Шу сабабли Швецияда бу сафарги сайловларга алоҳида аҳамият берилмоқда.

ЯНГИ НАЦИСТЛАР АКТИВЛАШМОҚДА

БОННГ, 19 август. (ТАСС). Ғарбий Германияда янги нацист национал-демократик партияга ёндашувчи уюшмалар ва ташкилотлар тобора кўпроқ активлашмоқдалар. Германия Демократик Республикаси чегараси яқинидаги Хельштед шаҳрида национал-демократик партия тарафдорлари бўлган аёлларнинг 24-25 августда икки кунлик конференциясини ўтказишга муваффақ бўлган ёшлар ҳам жим турмаётир. Национал демократик партиянинг ёшлар Ташкилоти бўлган ва фашистларнинг «Гитлер юген» ташкилотидан ўрнак олиб тузилган «ёш национал демократлар» Херренал яқинида 23 августдан 25 августгача слёт ўтказадилар. Бу йиғинда ҳам «Оталарнинг авлоди» деган доклад муҳокама қилинмоқчи.

АЖАЛ ОМБОРИ

НЬЮ-ЙОРК 19 август. (ТАСС). Денвер шаҳри яқинида захарли газларнинг жуда катта омбори борлиги сабабли Колорода штати яқинидаги аҳоли доимий хавф остида яшамоқда. Америка олимларининг бир группаси шу фикрни айтиб, газ омборини тугатишни талаб қилди.

Олимлар эълон қилган докладда айтилишича, шу омбордаги жуда катта бакларнинг ҳар бирида сақланаётган заҳарли моддаларнинг миқдори ниҳоят даражала кўп одамларни қиради. агар шу бакдар ёрилиб кетса, бундай газнинг шаҳарга тарқалиши муқаррар.

Мексикада бўладиган XIX Олимпия ўйинларида қатнашувчи совет спортчиларининг машқ вақтларида киядиган костюмлари.

В. Ун Да-син фотоси. ТАСС фотохроникаси.

Мексикада бўладиган XIX Олимпия ўйинларида қатнашувчи СССР Олимпия терма командаси спортчиларининг байрамларда киядиган кийимлари.

В. Ун Да-син фотоси. ТАСС фотохроникаси.

Сланислава Жилинска —Польшадаги Лажин қишлоғининг 20 ёшли граждани. Яқинда у анҳор ёқасидан ўтаётиб, болалар тушган қайиқ қандай тўнтарилганлигининг шоҳиди бўлди. У ўйлаб ўтирмасдан ўзини сувга отди. Ҳаёти хавф остида бўлишига қарамай чўкаётган олти қизалоқни қутқариб қолди.

Сланислава ўзининг бу ҳаракати ҳеч қандай қаҳрамонлик эмаслигини жуда яхши билади. Дарҳақиқат унинг ўрнида ҳар ким бўлганида ҳам шундай қилган бўлур эди. Суратда: Станислава Жилинска.

ЦАФ—ТАСС фотоси.

РЕЙНДАГИ ЗИДДИЯТЛАР

БОННГ (ТАСС). Германия Федератив Республикасида миллионерлар тобора кўпайиб бормоқда ва айни вақтда кўпчилик меҳнаткашларнинг турмуш даражаси пасайиб кетмоқда. Социал зиддиятлар ўсиб бораётганлигини ва миллий бойликларнинг тақсимланишидаги тенгсизлик кўпайиб бораётганлигини буржуа матбуоти ҳам асло яширолмайдиган бўлиб қолди. «Зюддойче цайтунг» газетаси «1968 йил урушдан кейинги даврда фойда энг кўп олинган йил бўлади» деб ёзади. 1966 йилда Ғарбий Германияда миллиардерлар 62 тага етди.

Айни вақтда Бонн, ва аввало, молия министри Штраус меҳнаткашларнинг чўнтакларидан пулларини шилиб олиш йўлларини топишда одатдан ташқари маҳорат кўрсатмоқдалар. Иш ҳақидан олинадиган солиқлар йўли билан давлат даромадлари 1968 йилнинг биринчи ярмида ўн процент кўпайди.

Мамлакатда қимматчилик ошиб бормоқда, Ғарбий Германия маркасининг харид қуввати эса пасайиб кетмоқда. Германия Федератив Республикасида шу йилнинг бошида янги солиқ системаси жорий қилинганлиги натижасида квартира ҳақи 7 процентдан зиёдроқ ошиб кетди. Матбуот гўшт ва пишлоқнинг нархи яқинда 10 процент оширилади, деб хабар бермоқда. Ғарбий Германиядаги иқтисодий «равнақ»нинг астари мана шунақа.

КАМПАЛАДА МУЗОКАРАЛАР

КАМПАЛА. (ТАСС). Судан қўшинлари томонидан Уганда давлат чегарасининг бузилишига олиб келган можароларни бартараф қилиш масаласи юзасидан бу ерда ўтказилаётган Уганда—Судан музокаралари тугади.

Музокаралар натижасида эълон қилинган Қўшма ахборотда айтилишича, бу музокаралар самимийлик ва қардошларча ҳамжиҳатлик вазнятида ўтган. Рўй берган можаролар учун ва шу можаролар натижасида етказилган зарар учун Судан томони Угандэ ҳукуматидан кечирим сўраган ва тегишли товон тўлашга рози бўлган.

Келгусида бундай можароларга йўл қўймаслик ва мавжуд дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш мақсадида ҳар иккала томон икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар ҳолатини кўриб чиқмоқ учун комитет тузишга қарор қилдилар.

Табиий офатлар

КАРАКАС. (ТАСС). Венесуэлада кучли сел ёққанлиги натижасида 5 оила бедарак йўқолди, бир неча киши жароҳатланди ва 1200 га яқин кичик бошпанасиз қолди. Кўчимлар ва дарё сувларининг тошиши натижасида Венесуэла пойтахтининг чеккаларидаги ва Венесуэланинг бошқа шаҳарларидаги жуда кўп кулбалар вайрон бўлди.

Венесуэланинг жанубидаги Апура дарёси тошиб, кўп қишлоқлар сув остида қолди, экинларга катта зарар етди.

* * *

НЬЮ-ЙОРК. 17 август. (ТАСС). Япония соҳилларида бошланган «Полли» тўфони вақтида 16 августдан 17 августга ўтар кечаси 39 япон балиқчиси бедарак йўқолган. Ассошиэйтед пресс агентлиги мухбири Токиодан хабар беради: полиция маълумотларига кўра, тўфон натижасида бир киши ўлган ва 26 киши ярадор бўлган.

АФРИКА-ОСИЁ ЁЗУВЧИЛАРИ УЮШМАСИ БЮРОСИНИНГ МАЖЛИСИ

ҚОҲИРА. (ТАСС). Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги ташкилотининг Бош секретари Юсуф Ас-Сибоий раислигида бу ерда Африка-Осиё ёзувчилари уюшмаси доимий бюросининг мажлиси бўлиб ўтди.

Доимий бюро аъзолари Осиё-Африка мамлакатлари ёзувчилари Тошкент конференциясининг 10 йиллиги байрамини ўтказишга тайёргарлик қандай бораётганлиги тўғрисида Совет делегацияси бошлиғи Анатолий Софроновнинг ахборотини тингладилар. Ёзувчиларнинг ваколатли ташкилоти бўлган Осиё ва Африка ёзувчилари уюшмаси Тошкентда ўтказилган ўша конференцияда тузилган эди.

Доимий бюро аъзолари Африка-Осиё ёзувчилари уюшмаси ижроия комитетининг 21 сентябрдан 24 сентябрга қадар Тошкентда ўтказиладиган мажлиси кун тартибини ҳам муҳокама қилдилар. Вьетнам халқининг қаҳрамонона курашини, шунингдек, араб ва Африка халқларининг халқаро империализмга қарши курашини қўллаб-қувватлаш мазкур мажлис кун тартибига қўйилган масалаларнинг биридир.

Доимий бюро Африка-Осиё Ёзувчиларининг «Адабиёт ва ҳозирги дунё» деган мавзуда ўтган йил Тошкентда ўтказилган симпозиуми катта аҳамиятга эга бўлганлигини қайд қилди.

РЕВОЛЮЦИЯ МИЛЛИЙ КЕНГАШИНИНГ СОСТАВИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

БРАЗЗАВИЛЬ, 17 август. (ТАСС). Кеча кечқурун Браззавиль мэрлиги биносида Революция миллий кенгаши ва унинг ижроия органи бўлган директория аъзолари билан расмий танишув ўтказилди. Революция миллий кенгаши составига 41 киши киради. Директорияга капитан М. Нгуаби (Революция миллий кенгашининг раиси), Диаварра (раиснинг биринчи ўринбосари) ва бир қанча бошқа кишилар сайланди. Президент А. Массамба-Деба ўз лавозимига кўра директориянинг аъзосидир. Капитан А. Рауль ана шу маросимда «Асосий акт»ни ўқиб берди. Бу ҳужжат янги конституция эълон қилингунига қадар давлат муассасаларининг фаолиятини тартибга солиб туради. Революция миллий кенгаши 14 августда қабул қилган ана шу акт билан, алоҳида писанда қилинган моддалардан ташқари 1963 йилги конституция бекор қилинади. «Асосий акт»да бундай дейилади: Революция миллий кенгаши янги давлат муассасаларини ташкил қилгунга қадар революция ва мамлакатнинг олий органи бўлиб қолади. «Асосий акт» янги конституция ишга туширилиши билан бекор қилинади.

Маросим охирида капитан М. Нгуаби (Революция миллий кенгашининг раиси) ва президент А. Массамба-Деба нутқ сўзладилар.

ҲАР ТЎҒРИДА

Депутат Бойтўра Кўмаков номини Пастдарғом район меҳнаткашлари ҳурмат билан тилга оладилар. Бу бежиз эмас, албатта. Район меҳнаткашлари Б. Кўмаковга юксак ишонч билдириб, уни Ўзбекистон ССР Олий Советига депутат қилиб сайлаган эдилар. Шундан буён бир йилдан ортиқ вақт ўтди. Бу давр ичида депутат ўз сайловчиларининг қатор таклифларини бажариб қўйди. Чунончи, район марказидаги Н. Островский номли 8-ўрта мактабга 1000 ўринли янги бино қуриб берилди «Красный Восток» қасалхонасига «тез ёрдам» машинаси бириктириб қўйилди. Кулбишев номли колхоз аъзолари «зангори ёқилғи»дан фойдаланмоқдалар.

Б. Кўмаков ана шу қилинган ишлар ҳақида яқинда ўз сайловчиларига ҳисоб берди. Сайловчилар депутатнинг ҳисоботидан мамнун бўлдилар ва янги наказлар тўпширдилар.

Б. ҚУРБОНОВ.

Тошкент область Калинин районидаги колхоз ва совхозлар территориялари йил сайин ободонлашиб бормоқда. Кўплаб уй-жой маданий-маиший ва маъмурий биноларқад кўтармоқда. Бу ишларни амалга оширишда колхозлараро қурилиш бошқармасининг Т. Ҳасанов бошлиқ комплекс қурилиш бригадаси аъзоларининг ҳиссаси катта. Уларнинг фидокорона меҳнати туфайли Охунбобоев номли колхоз марказидаги 400 ўринли кенг экранли кинотеатр, генерал Собир Раҳимов номли колхозда янги мактаб биноларининг қурилиши муддатидан олдин тугатилди.

О. ТУРҒУНОВ.



ШУНАҚАСИ ҲАМ БЎЛАДИ

УЧ ОЁҚЛИ БУЗОҚ

Фарғона область Ўзбекистон районидаги «Комсомол» совхози чорвачилик фермасида бундан бир йил илгари икки бошли бузоқ туғилган эди.

Яқинда совхознинг «Комсомол» бўлими сут-товар фермасида яна бир қизиқ ҳодиса рўй берди. Сут соғувчи Қ. Бозорова парвариш қилаётган 160-21 номерли сигир уч оёқли бузоқ туғди.

Шуниси қизиқки, бузоқнинг олдинги ўнг оёғи йўқ. Шунга қарамай, бузоқ тетик ўсяпти.

М. ИЎЛДОШЕВ.

ОБ-ХАВО

Бугун Қорақалпоғистон АССРда ҳавонинг булутли бўлиши кутилади. Ёғингарчилик бўлмайди. Қолган районларда ҳаво очиқ келади ва Шимоли-Ғарбдан сечундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Иссиқ 33-38, баъзи жойларда 40 даражга бўлади.

Тошкентда ҳаво очиқ бўлиб Шимоли-Шарқдан 3-7 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат 33-35 даража иссиқ бўлади.

Редактор ўринбосари Ж. ЖАББОРОВ.

ОБЛИГАЦИЯЛАРИНГИЗНИ ТЕКШИРИНГ!

1966 ЙИЛДА ЧИҚАРИЛГАН

3% ЛИ ДАВЛАТ ИЧКИ ЮТУҚ ЗАЁМИ

17-ютуқлар тиражининг

РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

Бу тираж 1968 йил 15 августда Вильнюс шаҳрида бўлиб ўтди.

Заёмнинг ҳамма йигирма уч разрядидаги серия ва облигацияларнинг қуйидаги номерларига ютуқлар чиқди:

Серия номерлари	Облигация номерлари	Ютуқ миқдори (сўм билан)	Серия номерлари	Облигация номерлари	Ютуқ миқдори (сўм билан)	Серия номерлари	Облигация номерлари	Ютуқ миқдори (сўм билан)
100942	34*)	500	128065	1—50	100	159527	1—50	40
101965	45*)	500	128553	43*)	500	159691	14*)	500
102181	44*)	500	128603	42*)	500	160121	05*)	500
102423	1—50	40	129494	28*)	500	161384	1—50	40
102745	14*)	500	129526	1—50	40	161797	21*)	500
102785	14*)	500	129931	12*)	500	162299	49*)	500
103379	1—50	40	130356	10*)	500	163403	04*)	500
104950	34*)	1.000	131376	42*)	500	163632	14*)	500
105119	24*)	500	132583	07*)	500	164000	1—50	40
106318	19*)	500	132914	41*)	1.000	165613	1—50	40
106656	25*)	1.000	132925	29*)	500	165735	40*)	500
107301	17*)	500	133136	1—50	40	165853	39*)	1.000
107787	50*)	1.000	133375	32*)	500	165977	1—50	40
108711	33*)	2.500	133379	1—50	40	166231	19*)	500
109362	46*)	1.000	133382	12*)	500	166558	27*)	1.000
109937	1—50	100	133681	45*)	500	166746	32*)	500
110257	24*)	500	134565	1—50	40	167798	01*)	500
110451	02*)	500	134660	09*)	500	168179	24*)	1.000
110864	33*)	500	134877	07*)	500	169690	1—50	40
111145	33*)	500	135240	29*)	500	170088	09*)	1.000
111691	31*)	500	135318	1—50	100	170220	04*)	500
111803	27*)	500	135735	1—50	100	170872	1—50	40
112074	04*)	1.000	135893	32*)	500	171160	1—50	40
112420	19*)	500	136019	10*)	500	171547	47*)	500
112461	07*)	500	136915	04*)	500	171633	36*)	1.000
112713	1—50	100	137221	42*)	500	171723	14*)	500
112772	1—50	40	137713	08*)	500	172013	18*)	500
113063	19*)	500	138134	42*)	500	172455	1—50	100
113263	27*)	500	138788	40*)	500	173180	33*)	500
113523	27*)	500	139234	1—50	100	173444	18*)	500
113949	1—50	40	139342	14*)	500	173723	29*)	500
114441	41*)	2.500	139536	33*)	500	174086	1—50	40
114630	16*)	500	140276	1—50	40	174779	23*)	500
114678	38*)	500	141481	1—50	40	174844	23*)	500
115322	26*)	500	141493	02*)	500	175060	05*)	1.000
116210	43*)	1.000	142318	24*)	500	175629	25*)	500
116248	16*)	500	142513	1—50	100	181076	03*)	1.000
116864	35*)	500	142777	36*)	2.500	181606	36*)	500
117111	1—50	40	142898	01*)	500	182098	1—50	40
117784	35*)	500	143005	20*)	500	183131	13*)	500
118557	26*)	500	143266	17*)	500	184494	1—50	40
118729	1—50	40	143611	17*)	500	184925	32*)	500
118827	10*)	1.000	143984	1—50	100	186617	13*)	500
119219	15*)	500	144537	46*)	2.500	187233	1—50	40
121048	17*)	500	144752	16*)	500	187780	11*)	1.000
121085	46*)	5.000	144930	1—50	40	188995	1—50	40
121408	22*)	500	145331	1—50	40	189149	07*)	500
121448	1—50	100	147614	10*)	500	189281	04*)	500
121854	09*)	500	147851	1—50	40	190630	18*)	1.000
122272	16*)	500	148323	1—50	40	191370	46*)	500
122658	22*)	500	149257	48*)	500	191923	04*)	1.000
122904	14*)	1.000	149298	1—50	40	192774	38*)	500
123439	50*)	5.000	149353	1—50	40	193024	1—50	40
124146	1—50	100	150227	20*)	500	195216	08*)	500
124648	1—50	100	150791	1—50	40	195262	36*)	500
124867	1—50	100	151061	38*)	500	196479	02*)	500
125088	26*)	500	151752	15*)	2.500	196861	30*)	500
125501	39*)	1.000	152697	1—50	40	196962	1—50	40
126259	15*)	500	153183	1—50	40	197085	28*)	500
126326	1—50	40	155302	1—50	100	198195	12*)	500
126807	33*)	500	156599	35*)	500	198720	27*)	500
127196	39*)	500	158919	40*)	500	199384	23*)	500
127853	21*)	500	159468	1—50	100			

*) Шу серийдаги облигацияларнинг қолган 49 номерига 40 сўмдан ютуқ чиқди.

Жадвалда йигирма сўмлик облигацияларга чиққан ютуқлар кўрсатилган.

Ун сўмлик облигацияларга ютуқнинг ярми тўланади.

Ютуқ суммасига облигация қиймати ҳам қўшилган.

Бу жадвал расмий ҳужжатдир. Омонат кассалари газетанинг янги сони келганидан сўнг ютуқларни шу жадвалга мувофиқ белгиланган тартибда тўлайдилар.

Ютуқлар тиражини ўтказувчи комиссиянинг раиси — А. П. ВИЛЕЙКИС.
Вильнюс шаҳар, Октябрь район меҳнаткашлар депутатлари Советининг раиси
Комиссиянинг масъул секретари Л. П. ЕСИНА.

РАДИО БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 — Лирик қўшиқлар, 9.30 — Музикали танаффус, 10.30 — Музикали драмалардан парчалар, 11.15 — «Олимлар — қишлоқ хўжалигига», 11.25 — Композитор Ф. Назаров асарлари, 12.15 — «Замондошлар» (рус.), 13.30 — Эстрада куйлари ва қўшиқлари (рус.). 16.10 — Озербайжон композитори Султон Гажибеков (концерт-очерк) 16.50 — «Правда» газетасининг обзори. 18.00 — «Зангори кема»лар жавлон урадиган жойда» (рус.), 18.10 — Б. Бриттен. Пэрселл темаларидаги вариацияларва фуга. 18.40 — Спорт. 19.20 — СССР халқларининг куйлари. 20.00 — «Ёшлик» радиостанцияси 20.30 — Қўшиқлар. 21.00 — Халқаро мавзуларда суҳбат. 21.10 — Концерт (қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари учун), 22.20 — Экран куйлари. 22.40 — Ўзбекистон ёзувчиларининг янги асарлари. Сайёр. «Тўй» (повестдан парча), 23.15 — Куйлар.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

13.00 дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

18.55 — Кўрсатишлар программаси.

Рус тилида: 19.00 — Телеэнциклопедия, 19.15 — Тошкент истиқболи, 19.30 — Реклама ва эълонлар, 19.35 — Кўрсатишлар программаси.

Ўзбек тилида: 19.40 — Инсон ва қонун, 20.10 — Телеэнциклопедия, 20.25 — В. И. Ленин ҳақидаги эсдалик ҳужжатлар, 20.45 — Табаррук тупроқ (адабий эшитириш), 21.35 — Момо ер (бадиий фильм, рус тилида), 23.10 — Адабий меросимиз ойнаижаҳонда (Навоий замондошларидан Лутфий ижодига бағишланган эшитириш).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 — «Н. Ф. И. сири ва Ираклий Андроникованинг бошқа оғзаки ҳикоялари (телефильм, рус тилида).

20.00 дан — Москва кўрсатади.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 20.00 — Чипполино (болалар учун телефильм), 20.40 — Дўстлик саҳифалари. СССР — ГДР.

Рус тилида: 20.55 — Сталинград қаҳрамонларига (ҳужжатли фильм), 21.15 — Ака-ука Ершовлар (фильм-спектаклнинг биринчи серияси).

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Катта совриН — САНЪАТ САРОЙИ (эрталаб соат 11, кундуз 2 ярим, кеч 6 ва 9-15 минутда).

Соядаги одам — «ЧАЙКА», «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Яна сеанс ҳақида — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун)

Бошқа ҳеч ким — «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

ЁЗГИ БИНОДА

(кеч соат 9 ва 10-45 минутда бошланади)

Соядаги одам — «ХИВА», НАВОИЙ номли.

Бошқа ҳеч ким — «ФЕСТИВАЛЬ».

ҲАМЗА НОМЛИ ЛЕНИН ОРДЕНЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИ

ТЕЗ КУНДА

50-МАВСУМИНИНГ ОЧИЛИШИ

Янги бинода.

МАРКАЗИЙ «ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА

21, 22 август кеч соат 7 ярмда СССР БИРИНЧИЛИГИ УЧУН «Қайрат» (Олма-Ота) — «Пахтакор» (Тошкент) командалари ўртасида

ФУТБОЛ

ҚАРИНДОШЛАР ТОПИШИШДИ

Қишлоқ кўчалари салқин, бегубор. Биз аста юриб борар эдик. Янгигина «Волга» машинаси олдимиздан секиналб ўтди-да, биз томонга келаётган велосипед минган кишига яқин тўхтади. Биз ҳам етиб бордик. Қорачадан келган, афтидан анча тетиккина бир онахон машинадан тушиб биз билан саломлашгач:

— Қориндошларимни излаяпман! — деди, ҳар биримизга илтижо кўзларини тикиб. Атрофимизни одамлар ўраб олишди. Кўзларида ёш ҳалқаланиб турган бу улуғ зотга ҳар кимнинг ҳам ёрдам бергиси келарди.

— Ортиқвой Мурод ўғли деган киши, онамнинг укалари бўлган, кўрсам танийман, — дейди у ўзига яқин турган бир аёлга. Биз масла ҳатлашиб аяни «Тошқўрғон боғи» маҳалласида яшовчи Ортиқвой отаникига бошладик. Янглишмаган эканмиз. Қориндошлар топишиб, ҳол-аҳвол сўраша кетдилар.

Воқеа бундай бўлган эди. Бусиддика ая она-отадан жуда ёш етим қолади. Бироқ пишиқ-пухта Бусиддиқа онаси — Онахоннинг.

— Биз Ғурумсаройданмиз, ҳа ғурумсаройлик, деб айтган сўзларини ҳамон эслайди Бусиддиқа ёшликда бу сўзларнинг маъносига тушунмади. Улғайгач Ғурумсаройдан она уруғларини ахтаришга киришади. Ниҳоят, 56 йилдан кейин аянинг орзулари ушалади, Ғурумсаройдан ўз қориндошини топади Муштипар она ҳозир Ленинобод шаҳрида истиқомат қилмоқда. 65 баҳорни кўрган Бусиддиқанинг севинчи ичига сиғмайди. Бу ишда ёрдамлашганлардан миннатдор. Бувининг 12 набираси бўлиб, улар билан Ғурумсаройда, қориндошлари Ортиқвой отаникида тез-тез меҳмон бўлиб турадилар.

Т. ТОЛИПОВ, ўқитувчи.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

БИЗНИНГ АДРЕС ВА ТЕЛЕФОНЛАР: ТОШКЕНТ, «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ № 28, Редактор — 836545, Редактор ўринбосарлари — 837914, 839323, Масъул секретарь — 834455, Масъул секретарь ўринбосарлари — 837283, Партия гурмуши — 833469, Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш — 831216, Халқаро ҳаёт — 837604, Коммунистик тарбия — 831455, Саноат капитал қурилиш ва транспорт — 834780, Совет қурилиши — 833258, Қишлоқ хўжалик — 837604, Адабиёт ва санъат — 832036, 837221, Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 834451, Маҳаллий ахборот ва спорт — 832347, Оммавий ишлар ва хатлар — 838879, 833553, Иллюстрация — 834524, Стенографистка — 837343, Корректура — 837162, Эълонлар — 838142, Коммутатор — 830249, 830250, 830251, 830252, 830253, 830254, 830255, 830256, 830257, 830258. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: Андижон 48—85, Бухоро 31—41, Қарши 22—82, Нукус 42—62, Самарқанд 31—972, Термиз 23—27, Фарғона 41—88, Урганч 34—55

Б. № — 194. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64633. Р. 02724.